

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Журналистика факультети IV босқич талабаси

Садиева Нодирабону Ҳикматилло қизининг

“Тасвирий ва ҳажвий матн уйғунлиги”

(“Муштум” журнали мисолида)

мавзуси буйича бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Тошкент-2019

Мундарижа

Кириш	3-10
I.БОБ. Матбуотда тасвирий ва ҳажвий матн уйғунлиги ҳамда унда ижтимоий ҳаётнинг акси	
1.1. Матбуотда ҳажвий публицистиканинг ўрни.....	10-22
1.2. Карикатура жанрининг пайдо бўлиши ва ўзбек матбуотида карикатура.....	23-30
II.БОБ. “Муштум” журнали карикатураларида ижтимоий-маънавий муаммоларнинг акс этиши	
2.1. “Муштум” журнали карикатураларида сурат ва матн уйғунлиги.....	31-43
2.2. Карикатураларда муаллиф маҳорати: мавзу танлаш, муаммо қўйиш, факт ва далиллардан фойдаланиш ва ечим топиш.....	44-52
III. Хулоса	53-56
IV. Фойдаланган адабиётлар рўйхати	57-59

Кириш

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) жамият ҳаётининг ойнаси ва энг муҳим ахборот етказувчи воситаси ҳисобланади. ОАВнинг барча турлари жамият тараққиётида ўзига хос функцияни бажаради. Мустақиллик ўзбек матбуотида ҳам сон, ҳам сифат ўзгаришлари қилишга, янгича тараққиёт омилларини белгилашга имкон берди. Холис, ҳаққоний, тезкор, мазмунли ахборот етказиб бериш манбаи сифатида матбуотнинг ўрни ва роли истиқлол йилларида янада мустаҳкамланди.

XX асрнинг 90-йилларида юз берган улкан ижтимоий ҳодиса — истиқлол бутун жамият ҳаётида, унинг барча жабҳаларида туб эврилиш ясади. Мустақиллик туфайли ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий қарашларимизда жиддий ўзгаришлар юз берди. Бундай ўзгаришлар ОАВ тизимида ҳам ўз таъсирини кўрсатди. ОАВнинг истиқлолнинг дастлабки йилларидаги ҳолати, жамиятдаги ўрни, журналистларнинг мавқеи, келгусидаги вазифалари ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармонида белгиланганидек, давлат ва жамият қурилишинг такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш¹ устувор вазифалардан бири қилиб белгиланди.

Истиқлол даврида матбуот, радио ва телевидение материаллари ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгиланди. Шунингдек, ўзбек матбуоти сон ва сифат жиҳатидан ўзгарди. Матбуотнинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада ошириш, тараққиёт мезонларини кўрсатиш, ОАВ фаолияти учун зарур қонунлар ишлаб чиқиш Республикаимизнинг давлатимизнинг устувор

¹ www.lex.uz

вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Бошқа ижтимоий фанлар каторида матбуот назарияси соҳасида ҳам янгича, холис, умуминсоний қарашлар қўлланила бошланди. Жамиятда кечаётган янгиликлар оммавий ахборот воситалари соҳасига ҳам таъсир этди, албатта. Биринчи навбатда нашрлар сони ортди. Матбуотни назорат қилувчи цензура хизмати ўз таъсирини деярли йўқотди. Ижтимоий ҳаётни акс эттиришда публицистиканинг ўрни ошди. Публицистика матбуотнинг асосий қон томирига айланди. Унинг ижтимоий фикр уйғотиш ва уни шакллантириш, маълум мақсадга йўналтириш, ҳужжатли факт ва маълумотлар асосида воқелик манзарасини яратишдан иборат вазифаси янада кучайди. Ҳозирги замон ижтимоий ҳаёти, унга алоқадор ўтмиш ва келажак фактлари публицистиканинг предметиدير. Ҳаётда ижтимоий фаолият, онг қарашларнинг салмоғи ортган сари публицистнинг, яъни ижодкорнинг воқеликка фаол аралашуви, фикрни бевосита ошкора, дангал ифодалаш тамойили ҳам кучайди. Матбуотда ҳажвий публицистиканинг ҳам роли ортди. Аслида, барча даврларда ҳам ҳажвий публицистика доим халқ оммасининг диққат марказида бўлиб келган. Матбуот материалларининг ўзагини ташкил этувчи ва ижтимоий ҳаётни акс эттиришнинг ўзига хос услуби бўлган публицистикада ҳажвий публицистика алоҳида ўрин тутади. Ҳажвий публицистика воқеликни акс эттириш ва таъсир кўрсатишда сатира ва юмор қонуниятларига амкал қилиши, ижтимоий кулгига асосланиши билан публицистиканинг бошқа хилларидан ажралиб туради. Ҳажвий публицистиканинг кўринишлари ҳали вақти матбуот вужудга келмаган пайтларда ўзбек адабиётига ҳажв ва кулги асарларида намоён бўлган эди. Ўзбек ҳажвий адабиёти ва сермазмун тарихга эгадир. Ҳажв, сатира-воқеликни акс эттиришнинг алоҳида ғоявий-бадий принципи сифатида барча цивилизациялашган халқлар адабиёти, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам оғзаки ва ёзма адабиётида қадимдан катта ўрин олиб

келган. Ижтимоий иллатларнинг кулгили танқиди бўлган сатира ўзбек халқ ижодида ҳам кенг тарқалган эди. Меҳнаткаш халқ ижтимоий ҳаётдаги адолатсизлик, зулмга қарши норозиликни алоҳида бир шакли сифатида латифалар, ҳажвий эртақлар ва қўшиқлар яратган. Кал, Насриддин афанди, Алдар кўса каби тўқима ҳажвий символар воситаси билан ижтимоий иллат ва нуқсонларни масхара қилиб, шармандасини чиқарган. Халқ, ҳажвий, сатираси ва кулгиси жуда қадимий ва шу билан бирликда давомийликка эга, бўлиб, ёзма ҳажвий адабиёт ҳамда публицистика учун битмас-туганмас ижодий озиқ бериб келди. Ўзбек ёзма адабиётида ҳам сатира ва юмор дастлабки даврлардан бошлабоқ салмоқли ўрин олиб келган. Биринчи адабий ёдгорликлар намунаси бўлмиш «Девону луғатит турк»да ҳам ҳажвий-ҳазил қўшиқлар кўп учраши маълумдир. Улуғ ўзбек шоири ва мутафакири Алишер Навоий ҳам ўзбек ҳажвий адабиётининг ривожига салмоқ ҳисса қўшган. Ўзбек адабиёти тарихида Турди, Махмур, Гулханий, Муқимий, Завқий ва бошқа шоирлар ҳам ҳажв-сатира бобида ўлмас асарлар яратиб, ўз даврларидаги зулм, ҳақсизлик ва бошқа ижтимоий иллатлар устидан омманинг қаҳр-ғазабини уйғотдилар. Ўзбек ҳажвий публицистикасининг бавосита, яни матбуот тури сифатида пайдо бўлиши Туркистонда вақтли матбуот нашрларининг вужудга келиши билан боғлиқдир. Матбуотимиздаги ана шундай ҳажвий атмосферани узоқ йиллардан бери ушлаб келаётган отахон нашрларимиздан бири “Муштум” журналидаги карикатуралар мавзуси ўзига хос аҳамиятга эга мавзудир. Улар ҳар доим ижтимоий ҳаётимизга хос муаммоларни акс эттирган. Ушбу карикатурлардаги сурат ва матн уйғунлигини ўрганиш ишнинг долзарбигини белгилайди. Матбуот материалларининг ўзагини ташкил этувчи ва ижтимоий ҳаётни акс эттиришнинг ўзига хос услуби бўлган публицистикада ҳажвий публицистика алоҳида ўрин тутди. Ҳажвий публицистика воқеликни акс эттириш ва таъсир кўрсатишда

сатира ва юмор қонуниятларига амкал қилиши, ижтимоий кулгига асосланиши билан публицистиканинг бошқа хилларидан ажралиб туради. Ҳажвий публицистиканинг кўринишлари ҳали вақти матбуот вужудга келмаган пайтларда ўзбек адабиётига ҳажв ва кулги асарларида намоён бўлган эди. Ўзбек ҳажвий адабиёти ва сермазмун тарихга эгадир. Ҳажв, сатира-воқеликни акс эттиришнинг алоҳида ғоявий-бадий принципи сифатида барча цивилизациялашган халқлар адабиёти, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам оғзаки ва ёзма адабиётида қадимдан катта ўрин олиб келган. Ижтимоий иллатларнинг кулгилари танқиди бўлган сатира ўзбек халқ ижодида ҳам кенг тарқалган эди. Меҳнаткаш халқ ижтимоий ҳаётдаги адолатсизлик, зулмга қарши норозиликни алоҳида бир шакли сифатида латифалар, ҳажвий эртаклар ва кўшиқлар яратган. Қал, Насриддин афанди, Алдар кўса каби тўқима ҳажвий символар воситаси билан ижтимоий иллат ва нуқсонларни масхара қилиб, шармандасини чиқарган. Халқ, ҳажвий, сатираси ва кулгиси жуда қадимий ва шу билан бирликда давомийликка эга, бўлиб, ёзма ҳажвий адабиёт ҳамда публицистика учун битмас-туганмас ижодий озиқ бериб келди. Ўзбек ёзма адабиётида ҳам сатира ва юмор дастлабки даврлардан бошлаб салмоқли ўрин олиб келган. Биринчи адабий ёдгорликлар намунаси бўлмиш «Девону луғатит турк»да ҳам ҳажвий-ҳазил кўшиқлар кўп учраши маълумдир. Улуғ ўзбек шоири ва мутафакири Алишер Навоий ҳам ўзбек ҳажвий адабиётининг ривожига салмоқ ҳисса қўшган. Ўзбек адабиёти тарихида Турди, Махмур, Гулханий, Муқимий, Завқий ва бошқа шоирлар ҳам ҳажв-сатира бобида ўлмас асарлар яратиб, ўз даврларидаги зулм, ҳақсизлик ва бошқа ижтимоий иллатлар устидан омманинг қаҳр-ғазабини уйғотдилар. Ўзбек ҳажвий публицистикасининг бавосита, яни матбуот тури сифатида пайдо бўлиши Туркистонда вақтли матбуот нашрларининг вужудга келиши билан боғлиқдир. Матбуотимиздаги ана шундай ҳажвий атмосферани узоқ

йиллардан бери ушлаб келаётган отахон нашрларимиздан бири “Муштум” журналидаги карикатуралар мавзуси ўзига хос аҳамиятга эга мавзудир. Улар ҳар доим ижтимоий ҳаётимизга хос муаммоларни акс эттирган. Ушбу карикатурлардаги сурат ва матн уйғунлигини ўрганиш ишнинг долзарбигини белгилайди. Матбуот материалларининг ўзagini ташкил этувчи ва ижтимоий ҳаётни акс эттиришнинг ўзига хос услуби бўлган публицистикада ҳажвий публицистика алоҳида ўрин тутади. Ҳажвий публицистика воқеликни акс эттириш ва таъсир кўрсатишда сатира ва юмор қонуниятларига амкал қилиши, ижтимоий кулгига асосланиши билан публицистиканинг бошқа хилларидан ажралиб туради. Ҳажвий публицистиканинг кўринишлари ҳали вақти матбуот вужудга келмаган пайтларда ўзбек адабиётига ҳажв ва кулги асарларида намоён бўлган эди. Ўзбек ҳажвий адабиёти ва сермазмун тарихга эгадир. Ҳажв, сатира-воқеликни акс эттиришнинг алоҳида ғоявий-бадий принципи сифатида барча цивилизациялашган халқлар адабиёти, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам оғзаки ва ёзма адабиётида қадимдан катта ўрин олиб келган. Ижтимоий иллатларнинг кулгили танқиди бўлган сатира ўзбек халқ ижодида ҳам кенг тарқалган эди. Меҳнаткаш халқ ижтимоий ҳаётдаги адолатсизлик, зулмга қарши норозиликни алоҳида бир шакли сифатида латифалар, ҳажвий эртаклар ва кўшиқлар яратган. Кал, Насриддин афанди, Алдар кўса каби тўқима ҳажвий символар воситаси билан ижтимоий иллат ва нуқсонларни масхара қилиб, шармандасини чиқарган. Халқ, ҳажвий, сатираси ва кулгиси жуда қадимий ва шу билан бирликда давомийликка эга, бўлиб, ёзма ҳажвий адабиёт ҳамда публицистика учун битмас-туганмас ижодий озиқ бериб келди. Ўзбек ёзма адабиётида ҳам сатира ва юмор дастлабки даврлардан бошлабқ салмоқли ўрин олиб келган. Биринчи адабий ёдгорликлар намунаси бўлмиш «Девону луғатит турк»да ҳам ҳажвий-ҳазил кўшиқлар кўп учраши маълумдир. Улуғ ўзбек шоири ва

мутафакири Алишер Навоий ҳам ўзбек ҳажвий адабиётининг ривожига салмоқ ҳисса қўшган. Ўзбек адабиёти тарихида Турди, Махмур, Гулханий, Муқимий, Завқий ва бошқа шоирлар ҳам ҳажв-сатира бобида ўлмас асарлар яратиб, ўз даврларидаги зулм, ҳақсизлик ва бошқа ижтимоий иллатлар устидан омманинг қаҳр-ғазабини уйғотдилар. Ўзбек ҳажвий публицистикасининг бавосита, яни матбуот тури сифатида пайдо бўлиши Туркистонда вақтли матбуот нашрларининг вужудга келиши билан боғлиқдир.

Мавзунинг долзарблиги. Бугун Ўзбекистонда барча соҳаларда бўлгани каби ОАВ ва матбуотда ҳам жамиятимизда юз бераётган ислохатлар туфайли ўзига хос жонланиш кўзга ташланмоқда. Маълумки, ватанимиз 130 йилдан зиёд мустамлакачилик зулми остида яшади. Мустақилликдан сўнг фикр ва сўз эркинлиги юзага чиқди. Айниқса, сўнгги йилларда матбуотнинг, журналистиканинг қадди тикланди. Қайси муҳитда тоталитаризм ҳукм сурса, битта мафкура оммавий равишда сингдирилса, бу ерда ҳеч қачон ривожланиш, ўсиш бўлмайди. Сўз эркинлиги бўлмас экан матбуот тирик мурдага айланади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам мавжуд вазият ҳақида фикр айтиш, уни инсонларга англатиш йўллари бор. Ана шундай хусусият ҳажвий публицистика жанрларига хосдир. Чунки баъзан жиддийлик билан айтолмаган муаммоларни ҳажв орқали осонгина кўрсатиб бериш мумкин. Буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирий ҳажвнинг ўтқир тиғини назарда тутиб, “Кулги танқиддир” деган эди. Узоқ йиллар давомида мамлакатимиз матбуотида ўзининг ўтқир тиғили ҳажвлари, жамият муаммолари ва оғриқли нуқталарини, кишилардаги маънавий сакталикларни акс эттирувчи карикатуралари билан “Муштум” журнали пешқадамлик қилиб келади. Ушбу журналда акс этган ҳажвий материалларда ижтимоий ҳаётимиздаги жиддий ижтимоий муаммолар, кишилардаги маънавий камчиликлар доим нишон бўлиб келган. Аввало, бу

тарзда муаммонинг акс эттирилиши аудиторияни, ўқувчини ўзига бирдан жалб қилади. Ҳажв тиғи қаратилган долзарб муаммо тез эътиборга тушади. Ўқувчи коса тагидаги нимкосани англайди. Шунинг ўзи кишида кулги уйғотади. Кулгили ҳолат ўзи воқеликнинг реалликка номувофиқликдан келиб чиқади. Ҳажвий публицистика ўз фаолияти давомида жамиятдаги ана шундай иллатлар устидан ҳажв қилади. Матбуотимиздаги ана шундай ҳажвий атмосферани узоқ йиллардан бери ушлаб келаётган отахон нашрларимиздан бири “Муштум” журналидир. Журналда чоп этиладиган карикатуралар мавзуси ўзига хос аҳамиятга эга мавзулардир. Улар ҳар доим ижтимоий ҳаётимизга хос муаммоларни акс эттирган. Тасвирга мос равишда унга ёзилган изоҳ ҳам теша тегмаганлиги, карикатура мазмунини очишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Қайси мавзуда ёритилган бўлмасин, уларда тасвир матн уйғунлиги масаласига доим алоҳида эътибор бериб келинади. Бизнинг битирув малакавий ишимизнинг асосий мавзуси ҳам айнан шу муаммодир. Ушбу карикатурлардаги сурат ва матн уйғунлигини ўрганиш ишнинг долзарбигини белгилайди. Ишда “Муштум” журналида тасвир ва матн уйғунлигининг ўзига хос жиҳатлари, ижтимоий ва бадиий хусусиятларига эътибор қаратилди.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқот ишида “Муштум” журналидаги карикатураларни ўрганиш мақсад қилинган. Ушбу мақсадга эришишда олдимизга қуйидагиларни вазифа қилиб олдик:

- Матбуотда ҳажвий публицистиканинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш;
- Тасвирий ва ҳажвий матнда ижтимоий ҳаётнинг акс этишини ўрганиш;
- Карикатура жанрининг пайдо бўлиши ва ўзбек матбуотида карикатура жанрининг ривожланиши, ўзига хос ўрнини кўрсатиб бериш;

- “Муштум” журнали карикатураларида ижтимоий-маънавий муаммоларнинг акс этишига алоҳида эътибор қаратиш;
- “Муштум” журнали карикатураларида сурат ва матн уйғунлигини кўрсатиб бериш;
- Карикатураларда муаллиф маҳорати: мавзу танлаш, муаммо қўйиш, факт ва далиллардан фойдаланиш ва ечим топиш масалаларини тадқиқ этиш;
- муаллифларнинг мавзу танлаш ва муаммога ечим топа олиш маҳоратига баҳо бериш;
- таҳририятнинг ижод лабораториясини ўрганиш;

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Тадқиқотда илк бор матбуотда тасвирий ва ҳажвий матн уйғунлиги ва унда ижтимоий ҳаётнинг аксини ўрганиш, ўзбек матбуотида карикатура жанрининг ривожланиши, ўзига хос ўрнини кўрсатиб берилди. “Муштум” журнали карикатураларида ижтимоий-маънавий муаммоларнинг акс этишига алоҳида тадқиқот асосида ўрганилди.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсиялардан олий ўқув юртларининг журналистика факультетлари ва бўлимларида, таҳлилий журналистика бўйича амалий машғулотларни ўтказишда, ОАВ таҳририят ходимлари учун семинар-тренинглар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг таркибий тузилиши. Малакавий битирув иши кириш, тўрт фаслдан иборат икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I.БОБ. Матбуотда тасвирий ва ҳажвий матн уйғунлиги ва унда ижтимоий ҳаётнинг акси

1.1. Матбуотда ҳажвий публицистиканинг ўрни

Матбуот ижтимоий ҳаётни акс эттиришнинг бир кўриниши, уни билиш, тадқиқ этиш ва унга қайтадан таъсир этишнинг муҳим воситасидир. Матбуотнинг жамият ҳаётини билиш, тадқиқ этиш бу инсонларни ўзларини билшга, уларни ўраб турган ҳаётларини англашга ёрдам беради. Бундан ташқари реал борлиқнинг инсон онгида мужассам бўлишига олиб келади. Матбуотни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганишда турлича қарашлар, фикрлар мавжуддир. Шўролар даврида жамиятдаги бошқа ижтимоий ҳодисалар қаторида матбуот ҳам синфий-ғоявий нуқатаи назардан ўрганилиб келинди. Мамлакатимизнинг миллий мустақилликка эришуви натижасидагина бошқа ижтимоий фанлар қаторида матбуот назарияси соҳасида ҳам янгича, холис, умуминсоний қарашлар қўлланила бошланди. Жамиятда кечаётган янгиликлар оммавий ахборот воситалари соҳасига ҳам таъсир этди, албатта. Биринчи навбатда нашрлар сони ортди. Миллий журналистикамизда ўзига хос жонланиш пайдо бўлди.

Ижтимоий ҳаётни акс эттиришда матбуотда публицистиканинг ўрни беқиёс. М.Худойкулов фикрича, “...публицистика матбуотнинг моҳиятини, унинг ички мазмунини, матбуот материалларнинг ўзагини ташкил этади”¹. Дарҳақиқат, публицистика матбуотнинг асосий қон томири ҳисобланади. Публицистика (лот. публиус - ижтимоий) - даврнинг ижтимоий-сиёсий ва бошқа долзарб масалаларига бағишланган адабий ижод тури. Унинг вазифаси ижтимоий фикр уйғотиш ва уни шакллантириш, маълум мақсадга йўналтириш, ҳужжатли факт ва маълумотлар асосида воқелик манзарасини яратишдан иборат. Ҳозирги замон ижтимоий ҳаёти, унга алоқадор ўтмиш ва келажак фактлари публицистиканинг предметиدير.

¹ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика, Тошкент, Университет, 2008 йил, 112-бет.

Ҳаётда ижтимоий фаолият, онг қарашларнинг салмоғи ортган сари публицистнинг, яъни ижодкорнинг воқеликка фаол аралашуви, фикрни бевосита ошкора, дангал ифодалаш тамойили ҳам кучайди. Бугун публицистика фан, санъат, адабиёт асарлари таркибига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Публицистик роман, пьеса, кино асарлари пайдо бўлмоқда. Воқелик фактларини мантиқий ва образли умумлаштириб ифодаловчи мақола ва бошқа йирик асарларгина эмас, балки матбуот жанрларининг ҳаммаси ҳам публицистикага киради. Публицистика мавзу хусусиятлари жиҳатидан фалсафий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, адабий, танқидий; услуб жиҳатидан баҳс-мунозарали, ташвиқот-тарғибот, танқидий-тахлилий, ҳажвий кўринишларга эга. Публицистика жанр жиҳатидан воқеий-информацион (хабар, репортаж, ҳисобот), таҳлилий (мақола), бадиий-публицистик (очерк, фелетон, памфлет, ёзувчи мақоласи) турларга бўлинади. У ҳаёт фактларини чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш, яъни ижтимоий публицистик тадқиқот орқали воқеликни кашф этади. Шу жиҳатдан у ижтимоий фанга яқинлашади. Публицистика илмий-назарий хусусиятларга эга бўлиши, у ёки бу фан масалаларини публицистик мақола тарзида талқин ва ташвиқ этиши мумкин. Публицист шахсияти шоир шахсияти сингари ўзининг бой ички дунёси, нуқтаи назари билан намоён бўлади.

Ўрта Осиё халқлари тарихида публицистика анча қадимийдир. Унинг хусусиятлари "Қобуснома" да яққол кўзга ташланади. Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", "Муншаот", "Маҳбуб ул-қулуб" асарларида публицистика хусусиятлари учрайди. Навоийнинг Абдурахмон Жомий, Пахлавон Муҳаммад, Сайид Ҳасан Ардашер ва бошқа ҳақидаги адабий портретларини публицистик очерклар, деб аташ мумкин. Публицистик хусусият ўзбек мумтоз адабиёти асарлари таркибига ҳам сингиб кетган. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётга доир дастлабки публицистик мақолалар

"Туркистон вилоятининг газети" саҳифаларида чоп этилган. Бироқ миллий уйғониш (жадидчилик ҳаракати)нинг кучайиши натижасида юзага келган миллий матбуот ўша даврдаги жамиятнинг камчилик ва иллатларини очиқ ошкора баён этган, ҳатто халқаро ҳаётга оид муаммоларни тезкор шарҳлаганлиги билан ҳам қадрлидир. Айниқса, бундай мақолалар "Тараққий" газетасидан бошлаб кенг кўламда кўрина бошлайди. Ўша давр жадид зиёлилари қаламига мансуб ўлка ва халқаро майдондаги ижтимоий-сиёсий, фан ва таълим, маданият ва санъат, миллий сиёсат ва бошқа масалаларга бағишланган публицистик мақолалар "Шухрат", "Хуршид", "Осиё", "Садои Туркистон", "Садои Фарғона", "Нажот", Турон", "Хуррият", "Юрт", "Муштум" каби газета ва журналлар саҳифаларида чоп этилган.

Матбуотда кейинчалик анъанавий шарҳлаш журналистикаси ўрнига янгиликлар журналистикаси пайдо бўлди. Натижада, публицистик жанрлар ахборот жанрларига кўпроқ ўрин бера бошлади. Публицистиканинг ёзма ва оғзаки шаклларида ташқари график-тасвир (плакат, карикатура ва бошқалар), фотокинематографик (ҳужжатли кино), театр-драматик (агитбригада ва бошқалар) шакллари ҳам бор. "Матбуот материалларининг ўзагини ташкил этувчи ва ижтимоий ҳаётни акс эттиришнинг ўзига хос услуби бўлган публицистикада ҳам ана шу бўлиниш мавжуд бўлиб, ҳажвий публицистика унинг энг таъсирчан, ҳозиржавоб ва ўзига хос бўлими сифатида иш кўради. Ҳажвий публицистика воқеликни акс эттириш ва таъсир кўрсатишда сатира ва юмор қонуниятларига амкал қилиши, ижтимоий кулгига асосланиши билан публицистиканинг бошқа хилларидан ажралиб туради"¹. Ҳажвий публицистиканинг кўринишлари ҳали вақти матбуот вужудга келмаган пайтларда ўзбек адабиётига ҳажв ва

¹ Худойқулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикасининг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари. Док. Диссертацияси автореферати, 1-бет

кулги асарларида намоён бўлган эди. Ўзбек ҳажвий адабиёти ва сермазмун тарихга эгадир. Ҳажв, сатира-воқеликни акс эттиришнинг алоҳида ғоявий-бадий принципи сифатида барча цивилизациялашган халқлар адабиёти, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам оғзаки ва ёзма адабиётида қадимдан катта ўрин олиб келган. Ижтимоий иллатларнинг кулгили танқиди бўлган сатира ўзбек халқ ижодида ҳам кенг тарқалган эди. Меҳнаткаш халқ ижтимоий ҳаётдаги адолатсизлик, зулмга қарши норозиликни алоҳида бир шакли сифатида латифалар, ҳажвий эртаклар ва кўшиқлар яратган. Қал, Насриддин афанди, Алдар кўса каби тўқима ҳажвий символар воситаси билан ижтимоий иллат ва нуқсонларни масхара қилиб, шармандасини чиқарган. Халқ, ҳажвий, сатираси ва кулгиси жуда қадимий ва шу билан бирликда давомийликка эга, бўлиб, ёзма ҳажвий адабиёт ҳамда публицистика учун битмас-туганмас ижодий озиқ бериб келди. Ўзбек ёзма адабиётида ҳам сатира ва юмор дастлабки даврлардан бошлаб салмоқли ўрин олиб келган. Биринчи адабий ёдгорликлар намунаси бўлмиш «Девону луғатит турк»да ҳам ҳажвий-ҳазил кўшиқлар кўп учраши маълумдир. Улуғ ўзбек шоири ва мутафакри Алишер Навоий ҳам ўзбек ҳажвий адабиётининг ривожига салмоқ ҳисса қўшган. Ўзбек адабиёти тарихида Турди, Махмур, Гулханий, Муқимий, Завқий ва бошқа шоирлар ҳам ҳажв-сатира бобида ўлмас асарлар яратиб, ўз даврларидаги зулм, ҳақсизлик ва бошқа ижтимоий иллатлар устидан омманинг қаҳр-ғазабини уйғотдилар. Ўзбек ҳажвий публицистикасининг бавосита, яни матбуот тури сифатида пайдо бўлиши Туркистонда вақтли матбуот нашрларининг вужутга келиши билан боғлиқдир. Малумки, Туркистондаги биринчи матбуот нашри 1870 йилдан бошлаб рус ва ўзбек тилларида чиқа бошлаган «Туркистон вилоятининг газетаси» эди. Туркистон генерал-губернаторлигининг органи бўлган бу газета шу даврда Ўрта Осиёни истило қилиб, ўз ҳудудига қошиб олган рус чоризмининг ғоявий-сиёсий

манфаатлари учун хизмат қилар эди. Русиянинг Ўрта Осиёни қурол билан босиб олиш ўлкамизни мустамлакачилик асоратига дучор қилди, халқ оммаси ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий ва маънавий зулм остида қолди. Туркистон Русия учун арзон хомашё эказиб берувчи қоқоқ ўлкага айлантирилди. Рус мустамлакачиларни Туркистоннинг моддий бойликларини таладилар, маданий ва манавий соҳаларда эса рус тартибларини жорий қилишга кенг жабҳада киришдилар. Ўлкамиз халқлари оз тарихи, маданияти ва бошқа инсоний қадриятлардан маҳрум этилдилар. Аммо чоризм Туркистонда қаттиқ мустамлакачилик тузумини ўрнатган бўлса-да Ўрта Осиёнинг истило қилиниши ўлканинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий ҳаётида маълум ижобий ўзгаришларга олиб келди. Феодал тарқоқлик тугатилди, маҳаллий ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро тортишув ва урушларга барҳам берилди, шунингдек ўлка ҳаётига рус фани, техникаси ва европача маданиятининг қатор унсурлари кириб кела бошлади. Бу жиҳатдан ўлкамизнинг дастлабки матбуот нашри бўлмиш «Туркистон вилоятининг газети»нинг чиқарила бошланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга болди. Гарчи, газетада асосан подшо маъмуриятининг фармони, маҳаллий ахборотлар, эълонлар асосий ўрин тутган бўлса-да ва газета муҳаррири миссионер Н. П.Остроумов газета орқали оммани чоризмга ғоявий тобеликда сақлаш, маҳаллий зиёлиларнинг фикрини мустамлакачилик сиёсатига мослаш учун қанчалик уринмасин, «Туркистон вилоятининг газети», гарчи беихтиёр, билвосита равишда ўлкада илм-маърифатнинг ёйилиши, дунёни билишга қизиқиш уйғотиш ва Туркистон газетхонларини рус фани, техникаси ва маданияти билан таништиришда муҳим рол ўйнади. Ахборот узатиш воситаларининг кўпайиши ва ривожланиши журналистик асарнинг контенти (шакл ва мазмуни)га ҳам таъсир этмасдан қолмади. Эндиликда асосий эътибор воқелик ҳақидаги ахборотга эмас, кўпроқ воқеликнинг ўзига қаратилмоқда.

Бу айниқса, электрон ОАВда яққол кўзга ташланади. Натижада журналистика назариясида жанр тушунчасига бўлган муносабат ўзгариб, ахборот узатишнинг турли шакллари ривожланиши бора-бора жанр тушунчасига бўлган эҳтиёжни йўқотади, деган қараш пайдо болди. Айниқса, жаҳон журналистикаси илмида (ғарб назариячилари кўпроқ урғу беришади) журналистиканинг асосий вазифаси фақат ахборот етказишдан иборат, "жанр" тушунчаси вазиятни чигаллаштиради ва уни ўзгартириб юборади, шунинг учун бу бош қотиришга арзимайдиган масала, деган қарашлар ҳам устуворлик қилмоқда.

"Хуррият" газетасининг 2007 йил 21 -март сонида журналист Иброҳим Норматов "Журналистикада маҳорат керакми ёхуд унутилаётган жанрлар хусусида" сарлавҳали мақоласида матбуотда жанр тушунчасининг йўқолаётганлиги, журналларда, айниқса, газеталарда жанрларнинг қашшоқлашиши оқибатида бир хиллик юзага келаётганлиги ҳақида сўз юритган эди.¹ Шунингдек, муаллиф энг таъсирчан ва ҳозиржавоб жанр репортаж, очерк, фелетонлар камайиб кетаётганлигини, ҳаттоки, айримлар памфлет нималигини билмаслигини, қолаверса, нашрларнинг кўплиги ҳам савия жиҳатдан газеталар мазмунини нўноқлашишига - бир хил қолипга тушиб қолаётганига сабаб бўлишини таъкидлаган. Жумладан, ҳажвий публицистиканинг асоси бўлмиш карикатуралар ҳам у барча газеталарда оммалашмаган.

Маълумки, ҳажвий публицистикада ҳаётини воқеаларни акс эттиришда ва ундаги ижимоий иллатларга қарши курашда ўзига хос восита – ижтимоий кулгидан кенг фойдаланилади ва жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. Ҳажвий публицистиканинг асосий жанрлари феълотон ва памфлет бўлиб, улар жуда муҳим ижтимоий функцияларни

¹ Норматов И. Журналистикада маҳорат керакми ёхуд унутилаётган жанрлар хусусида // Хуррият газетасининг 2007 йил 21 -март сони

адо этади. Аммо ҳажвиявий публицистика мазкур жанрлар билан чекланиб қолмайди, у ҳаётни ёритишда яна бошқа жанрлардан ҳам фойдаланилади.

Шу пайтгача ҳажвиявий публицистикага оид илмий асарлар ва дарсликларда масал, пародия, эпиграмма каби жанрларни ҳам ҳажвиявий публицистика таркибига киради, деган фикр олға суриб келинади. Таниқли олим М.Худойқулов фикрича, бу фикр Я.Р.Симкиннинг “Сатирическая публицистика” китобида (Издательство Ростовского университета, 1976, стр.92,149) келтирилади. Яна бир тадқиқотчи А.А.Тертичний ҳам пародия билан биргаликда латифа, ҳазил, ўйинларни ҳам бадиий публицистика жанрлари қаторига қўшади.(Қаранг : (“Жанры переодической печати”, М, 2000,глава 4).) Аммо бу жанрлар ижтимоий танқид руҳига эга бўлсалар-да, уларни публицистика жанри дейиш илмий жиҳатдан тўғри эмас, чунки уларнинг айримлари адабиёт жанрлари, бошқалари эса халқ турмуш шароитига оид ижодий намуналар. Адабиётнинг масал, ҳажвия, шеър, ҳажвий ҳикоя каби жанрлари ҳам ҳажвий руҳда бўлганлиги сабабли публицистикага яқин туради, ҳажвий матбуот саҳифаларида жой олиб, уни тўлдириб келди. Бу—сўз санъати бўлган адабиёт билан сўз сиёсати бўлмиш публицистиканинг ўзаро муштараклигини кўрсатади. Аммо, бу ҳажвий публицистиканинг жанрлари фельетон ва памфлет билан чегараланар экан-да, деган маънони билдирмайди. Яъни, ҳажвий публицистика ҳаётнинг барча соҳаларига кириб борар экан, ўз навбатида публицистиканинг бошқа турли жанрларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Жумладан, у публицистиканинг инфо – репортаж, ҳисобот, суҳбат, мақола каби жанрларидан ўз ўрнида фойдаланиш мумкин. Аммо бундай жиддий публицистикадан фарқли равишда бу жанрларда тасвир этилаётган ҳаёт фактлари. Воқеа ва ҳодисалари сатира ва юмор қонуниятлари асосида

яъни ижтимоий кулги билан йўғрилган холда акс эттирилиши шарт. Демак , хажвий публицистиканинг феълон ва памфетдан ташқари “ кичик жанрлари” хам мавжуд бўлиб , булар:

1. Ҳажвий хабар
2. Ҳажвий лавха
3. Ҳажвий репораж
4. Ҳажвий хисобот
5. Ҳажвий мақола

Бу хол хажвий публицистиканинг янада тўлдиради, унинг имкониятларини кенгайтиради. Шу билан биргаликда хажвий публицистикада халқ оғзаки ижодиға мансуб бўлган латифа, мақола ва маталлар, топишмоқлар, чўпчаклар, лофлар, аския кабилардан ҳам кенг фойдаланиши мумкин. Шунингдек хажвий публицистика материалларида хажвий кундалик хажвий малумотнома, хажвий мактублар, хажвий диалог, ва бошқа шакллар хам қўлланилиши мумкин. Бу –“Ҳажв шакл танламайди” деган машҳур ибратни исботлайди ва мазкур ўзига хос жанрлар ва воситалар хажвий публицистикани янада бойитади. Юқоридаги турли кичик жанрларда ҳам ижтимоий кулгидан фойдаланиш, имкон даражасида хажвий образ ва образлиликга эришиш талаб этилади. Ҳажвий публицистика шу билан биргаликда санъатнинг адабиётдан бошқа турлари билан хам ижодий алоқада бўлади ва уларнинг хам имкониятларидан ўзига хос равишда фойдаланиб келади. Жумладан унда тасвирий санъатнинг жанговор карикатурадан ҳам кенг фойдаланади. Асосий хусусияти бирор шахс воқеа ёки ҳодисага тегишли салбий томонлари масхара қилиш мақсадида кулгили тасвир этишдан иборат бўлгани карикатура ҳам хажвий матбуотдан жой олиб уни тўлдиради ҳамда хажвий публицистиканинг ажралмас таркибий қисмига айланади. Карикатура ўз навбтида қуйдагиларга бўлинади:

1. Ҳажвий портрет
2. Ҳажвий манзара
3. Шарж (ҳазил)

Карикатура жаҳон ҳажвий журналистикасининг ажралмас қисми сифатида у билан бир вақтда вужудга келган ва тараққий этган. Европада нашр этилган дастлабки ҳажвий нашрлардан ўрин олган карикатура асарларида ўша даврнинг энг муҳим масалалари акс этган. Тараққийпарвар ҳажвичилар карикатура орқали ҳаётдаги зулм ва зўравонликка қолоқлик ва бошқа ижтимоий иллатларга қарши курашган эдилар.

Ўзбек карикатурачилари ўтган асрнинг 20-йилларида вужудга келганлиги маълумдир. Гарчи карикатурага хос бўлган айрим кўринишлар қадимги миниатюра санъати асарларида карикатуранинг бевосита шаклланиши ҳажвий нашрларнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Ўзбек карикатурачилигининг пайдо бўлиши ва ривожланишида ўлкамзда илк бор нашр этила бошланган “Чаён” ва “Чўл чаёни” ҳажвий журналлари дасилабки қадамни кўйган бўлса

“Муштум” журнали асосий рол ўйнайди. Журнал ўзининг биринчи сонидан бошлабоқ бу жанрга катта этибор берди ва ундан кенг фойдвлвнди. Ўзбек карикатурачилигининг вужудга келиши ва ривожланишида “Муштум” журналининг биринчи карикатурачи рассоми И.Тулянинг хизмати катта бўлди. Шу билан биргаликда мазкур соҳанинг шаклланиши ва ривожланишида “Муштум ” журналининг асосчиларидан бири бўлган Абдулла Қодирийнинг ҳам хиссаси бор. Буни ўша даврда яратилган карикатураларининг мазмунидан. Уларга миллий рух сингдирилганлигидан кўриш мумкин. Кейинги даврларда ҳажвий рассомлардан В.Николаев (Ўста мўмин), В.Рождественский , Р.Нехлюдов, М. Ҳакимжонов , Т.Мухаммедов ва бошчалар ўзбек карикатурасининг

ривожланишида салмоқли меҳнат қилганлар. Ўзбек карикатурасида тўпланган бой ижодий анъаналар ҳозирги замон ўзбек карикатурачилигида ҳам ўз аксини топмоқда.

Давр тарақий этиши билан биргаликда ҳажвий публицистиканинг матбуотдаги кўринишлари ҳам тобора кенгайиб, тараққий этиб бормоқда. Радиодаги ҳажвий эшиттишлар, махсус радио-журналлар телевидениедаги турли ҳажвий кўрсатувлар шулар жумласидандир. Ифода йўллари ва услублари турлича бўлган бу эштириш ва кўрсатувлар ҳаёт воқеаларини, ундаги камчилик ва иллатларни сатира ва юмор --- ижтимоий кулгига асосланган ҳолда акс эттириши билан ҳажвий публицистикага хизмат қиладилар ва унгинг хилма хиллигини таминлаб келадилар.

Ҳажвий публицистика шу билан биргаликда санъатнинг бошқа соҳаларида иш кўриши мумкин. У театр, кино, музыка сингари санъат соҳаларида ҳам ўз ифодасини топиб келмоқда. Эстрадада қизиқчилиги, ҳажвий киножурналлар ҳажвий музыка ва кўшиқлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз ўз миллий мустақиллигига эришгач матбуот ва публицистиканинг бошқа турлари билан бир қаторда ҳажвий журналистика ва публицистиканинг ҳам яна равнақ топиши учун кенг имкониятлар яратилди. “Муштум журнали”, “Афанди”, газетаси мунтазам суратда нашр этиб турилибди, республика радиосининг “Табассум ” радио журнали телевидениеда эса “Телевизион миниатюралари театри ”, “Хандалак”, каби ҳажвий тележурналлар фаолият кўрсатмоқда. Матбуот нашрларида ҳажвий публицистиканинг турли жанрларидаги асарлари доимий равишда ўрин олиб келмоқда. Ҳозирги замонда ўзбек ҳажвий журналистикаси ва публицистикаси миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш кишиларга миллий мафқурани етказиш, ҳаётдаи камчилик

ва нуқсонларга қарши курашда ҳамон камарбаста бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ўзбек ҳажвчи журналист ва публицистиклар ҳажвий публицистика сахасида йиғилган илғор анъаналарини давом эттириб, шу кунимиз учун зарур бўлган ҳажвий асарлар яратмоқдалар.

Публицистиканинг бошқа жанрларидан фарқли ўлароқ, ҳажвий публицистика жанрларида ижтимоий ҳаётдаги муаммолар кулги воситасида акс эттирилади. Ҳажвий публицистиканинг асосий жанрларига памфлет, фелъетон, ҳажвий хабар, ҳажвий лавҳа, ҳажвий репортаж, ҳажвий суҳбат, ҳажвий мақола, карикатура кабилар киради. Шу билан бирга халқ оғзаки ижодига мансуб латифа, чўпчак, лоф, аския каби жанрлардан ҳам ҳажвий публицистикада кенг фойдаланилади. Таниқли олим М. Худойкуловнинг ёзишича, “Ҳажвий публицистика санъатнинг адабиётдан бошқа турлари билан ҳам ижодий алоқада бўлади. Жумладан, у тасвирий санъатнинг жанговор, ҳозиржавоб тармоғи бўлмиш ҳажвий суратчилик – карикатурадан ҳам кенг фойдаланади. Асосий хусусияти бирор шахс, воқеа ёки ходисага тегишли салбий томонларни масхара қилиш мақсадида кулгили тасвир этишдан иборат бўлган карикатура ҳам ҳажвий матбуотдан жой олиб, уни тўлдиради ҳамда ҳажвий публицистиканинг ажралмас таркибий қисмига айланади¹”. Олимнинг айтишича, ўз навбатида карикатура ҳам ҳажвий портрет, ҳажвий манзара, шарж(ҳазил) ва бошқа ички жанрларга бўлинади. Карикатура шунчаки кулгили тасвир эмас, балки ҳақиқатда ҳам жуда жиддий жанрдир. У қанчалик юмористик руҳда бўлмасин, унинг ортида ўткир сатира, яъни “аччиқ” кулги ётади. Бу билан рассом оддий фуқаро ёки жамият аъзоси сифатида атрофида ва дунёда бўлаётган воқеаларга бефарқ эмаслигини кўрсатади ҳамда ижтимоий-сиёсий муаммолар, турли иллатларни фош этиш учун ўз Чет давлатларда, айниқса, Европада матбуотни

¹ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика, Тошкент, Университет, 2008 йил, 127-бет.

карикатурасиз тасаввур этиш қийин. Ҳар қандай газета, журнал, хоҳ сиёсий, хоҳ ҳуқуқий ёки ҳажвий бўлсин, карикатура учун, албатта, жой ажратади. Карикатурадан ташқари ҳажвий публицистика санъатнинг бошқа соҳалари билан боғлиқ ҳолда ҳам фаолият олиб бориши мумкин. Масалан, кино, театр, музика каби санъат соҳаларида ҳам ҳажвий публицистикани учратиш мумкин. Лекин, барибир, Ўзбекистонда ҳажвий публицистиканинг ривожланишининг ёрқин намунаси “Муштум” каби нашрларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Атоқли адиб Абдулла Қодирий ҳажвиётда ижтимоий кулгининг турлари ҳақида гапирар экан, унинг яна бир услуби –характер кулгуси ҳам мавжудлигини таъкидлаган эди. “Сизни нафратлантирган масалани ўз ҳаётидан, ўз хусусиятидан олиб кулги ҳолига қўйишингиз керак. Яъни, сиз бу кулгуликни ясаган бўлиб кўринган бўлиб кўринманг, балки ўзи ясалган бўлсин. Ўз ҳолини ўзи арз қилсин” - деб ёзади адиб. Унинг бу сўзлари ҳажвиётда образ яратиш билан боғлиқдир. Чунки ҳажвиёт ижтимоий ҳаётни акс эттирар экан, ундаги иллатлар, салбий воқеа ёки фактларни оддий қайд этмайди, балки унинг моҳиятини очиб бериши шарт. Бу эса ҳажвиётда умумлаштириш, типиклаштириш орқали образлар, типлар, ҳажвий характерлар яратиш орқали амалга оширилади. Айтиш мумкинки, ўзбек матбуотида ҳажвий публицистиканинг ўзига хос ўрни бор. Унинг ривожланиши, бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар ҳам фикримизнинг далилидир.

1.2. Карикатура жанрининг пайдо бўлиши ва ўзбек матбуотида карикатура

Ҳажвий публицистиканинг бир қатор жанрлари орасида карикатура жанри алоҳида ўрин тутди. Бу жанр тасвирий санъат билан бевосита боғлиқ жанрдир. Карикатура жанри реал ҳаётимизни ўзига хос тарзда ифода этиши билан бошқа жанрлардан ажралиб туради. Карикатурада акс этган фикрни тушуниш учун, одатда, инсондан кучли билим ва тафаккур талаб қилинмайди. Бунинг учун жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг кузатувчиси бўлишнинг ўзи кифоя. “Википедия” эркин энциклопедиясида ёзилишича, “карикатура” италянча “кариаре” сўзидан олинган бўлиб, “бўрттириш”, “ошириб кўрсатиш” деган маъноларни англатувчи сатирик ёки ҳажвий тасвирий санъат жанридир. Сатирик карикатурада ижтимоий, сиёсий ва бошқа муаммолар фош этилади, коррупцияга берилганлар танқид қилинади. Ҳажвий карикатура эса бирор кимсани танқид қилмай, шунчаки кундалик мавзуларни кулгили ёритади. “Карикатура аниқ ижтимоий танқидий йўналишга эга бўлган тасвирий санъат тури, графика соҳаси (ранг тасвир ва ҳайкалтарошликда жуда кам қўлланилади), ҳажв ва кулгили қилиб ишланган расм. Тасвирда кулгили ҳолат реал ва фантастик воқеалар билан йўғрилган ҳолда яратилади, характернинг ўзига хос томонлари бўрттирилиб, аччиқ кулги туғдирадиган қилиб тасвирланади”². Тасвирдаги маънони изоҳлаш ва тасвирнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида карикатурага матн (баъзан шеър) илова қилинади. Карикатура хусусиятлари қадимги давр санъати (Қадимги Миср тасвирлари, Юнонистон ваза безаклари, Қадимги Рим фрескалари)да, япон ва ҳинд миниатюраларида учрайди. Айниқса, Уйғониш даврида карикатура кенг ривож топди. Масалан, Леонардо да

² Популярный энциклопедический словарь. –Москва, Большая Российская энциклопедия, 2002 йил, 562-бет.

Винчи расмларида буни кузатиш мумкин. Карикатура жанр сифатида жамиятда юзага келган кескин ижтимоий қарама- қаршиликларни фош этиш заминида шаклланган. Масалан, У. Хогарт, Ф.Гойя, О. Доме ва бошқаларнинг карикатуралари бунга мисол бўлади. Европа карикатураси хусусиятлари илк бор инглиз тасвирий санъатида шаклланди;

Ф. Боркгауз ва И. Ефронларнинг «Энциклопедик луғат»ида карикатурага қуйдагича таъриф берилади: “Карикатура – одатий нисбатларнинг бузилишини таъкидлаб, қайта ишлаб чиқарилган материални атайлаб бузиш орқали кулгили бир ходиса тасвири. Карикатура атамаси барча санъатлар учун қўлланилади, аммо инглиз Санъат соҳасида энг кўп ишлатилади”¹. Карикатурага нисбатан турли фикр ва қарашлар мавжуд. Баъзи рассомлар уни у қадар жиддий бўлмаган санъат тури дейишса, баъзилари учун бу жуда муҳим жанр ҳисобланади. Карикатура шунчаки кулгили тасвир эмас, балки ҳақиқатда ҳам жуда жиддий жанрдир. У қанчалик юмористик руҳда бўлмасин, унинг ортида ўткир сатира, яъни “аччиқ” кулги ётади. Бу билан рассом оддий фуқаро ёки жамият аъзоси сифатида атрофида ва дунёда бўлаётган воқеаларга бефарқ эмаслигини кўрсатади ҳамда ижтимоий-сиёсий муаммолар, турли иллатларни фош этиш учун ўз Чет давлатларда, айниқса, Европада матбуотни карикатурасиз тасаввур этиш қийин. Ҳар қандай газета, журнал, хоҳ сиёсий, хоҳ ҳуқуқий ёки ҳажвий бо‘лсин, карикатура учун, албатта, жой ажратади. Гротеск ҳар доим табиатнинг энг асосий қонунларини бузадиган махсус дунё тасаввурини яратади ва шунинг учун барқарор ҳолатдан келиб чиққан ва ҳақиқатнинг барқарорлигига ишончини йўқотган ижтимоий гуруҳларнинг психолологиясини тасвирлайди. Карикатура фақат баъзилар айтганидек, қисман бачканалик билан чегараланиши мумкин, чунки бу аниқ конвенция, масҳарабоз бўлган мавзуда хизмат

¹ Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энциклопедический словарь. – Москва, Эскимос, 2004 йил, 287-бет

ролини бажарувчи ва карикатуранинг қўлланиши энг кучли ижтимоий гуруҳларнинг энг соғлом, энг барқарор психологик идеологияси билан жуда мос келади. Карикатура учун хос бўлган даврнинг ижтимоий ва давлат ҳаётидаги халқаро сиёсий воқеаларга ҳозиржавоблиги намоён бўлди. Бунга мисол қилиб, франсузларнинг инқилобий, русларнинг Наполеонга бағишланган халқ ҳажвий расмларини келтириш мумкин. XIX—XX асрлар чегарасида ижтимоий курашнинг авж олиши газета ва журналлар графикаси карикатурани ривожланишини, шунингдек, профессионал газета карикатурачиларининг пайдо бўлишини таъминлади, улар орасида машҳур йирик рассомлар ҳам бор эди.

Россияда карикатура XIX асрдан буён алоҳида тан олинган. Карикатура тараққиёти адабий журналистика билан чамбарчас бо-лиқдир. Дастлабки мақола газеталарда турли ҳодисалар бўйича тушунарли матнли сатирик чизмалар билан чиқди. Вақт ўтиши билан суратлар аста-секинлик билан ва тушунтириш матнсиз нашр этила бошланди, суратнинг режаси аниқ ва сўзсиз эди. Бироқ, цензура хавфсизлик тизими уларнинг сиёсий жиҳатларини диққат билан кузатиб турди ва ҳокимиятдаги кишиларни ҳақорат қилиш эркинлигига йўл қўймади. Бироқ, жанрнинг ривожланишини тўхташнинг иложи йўқ эди. Номсиз карикатуралар бирин-кетин машҳур бўла бошлади. Сўнг расмий карикатуралар ривожланди. Секин-аста сатирик чизмалар кўпроқ газета ҳудудини эгаллашга киришди. Сатирик ва ҳазил бўлинмалар жиддий жамоат журналларида, масалан, "Ватан отаси" журналида (1812 йилдан 1852 йилгача) очилган бўлиб, унда чизмаларга аниқ жой ажратиларди. Алоҳида тасвирий нашрлар пайдо бўлди. Уларда одатда, жамиятдаги чекланганлик ва сиёсий масалалардан нозик нуқталр тасвирланарди. Биринчи навбатда, кичик бюрократлар, савдогарлар ёки уларнинг ролларида муваффақиятсиз бўлган санъаткорлар тасвири карикатуралардан жой оларди. Шубҳасиз, бу

жамиятида доимо тартибсизликлар, бошбошдоқликлар учраб турарди. Шу тарзда карикатурачилар томонидан шубҳали муаммолар ҳам қаламга олина бошланди. Баъзан карикатуралар кимнингдир худбин ва ғаразли мақсадларига эришиш воситаси бўлиб хизмат қилган. XIX асрнинг ўрталарида Россияда бир қатор сатирик журналлар пайдо бўлди. 1846 йилдан 1849 йилгача Санкт-Петербургда нашр этилган ва М.Л.Невахович томонидан асос солинган, Россияда тасвирланган сатирик журнал "Ералаш" журнали ана шундай нашр эди.

Карикатура матбуотнинг энг қадимий турларидан биридир. Бу жамиятнинг муаммоларини акс эттиради ва жинойтчига нисбатан ўзини-ўзи тасдиқлашнинг маълум бир усули сифатида хизмат қилади. Шунинг учун улар карикатура воситасида душманларни масхара қилишди, шунинг учун халқ ўз ҳукмдорларини ёки кулдорларини масхара қилди. Бу 17-асрда Россияда карикатуранинг пайдо бўлиши билна кечган жараён эди. Маълумки, император Наполеон карикатураларга ўзгача муносабатда бўлди. 1812 йили Россияда Ватан уруши даврида франтсиялик императорга қарши тўлиқ миқёсдаги карикатурий кампания бошланди ва рус кўшинининг бош кўмондони Михаил Кутузов ҳам унинг штаб-квартирасида махсус матбаа ташкил этди. Урушлар ва ҳарбий можаролар даврида постер карикатураси доимо кенг қўлланилади, ватанпарварлик ва кураш руҳини кўтаради ва қарши томонни ҳақорат қилади. Гарчи карикатураларнинг қадим замонлардан бери мавжуд бўлса-да, санъат асари дарҳол пайдо бўлмади.

XX асрда карикатуралар ижтимоий кучлар муносабатларидаги мураккабликларни акс эттирди; Иккинчи жаҳон уруши йиллари у фашизмга қарши курашда муҳим рол ўйнади. "ТАСС ойнаси", "Уз ТАГ ойнаси", плакатлар, варақалар, фронт газеталарилари ва бошқалар бунга мисол бўлади. Натижада, кўплаб рассомлар шухрат қозонди. Махсус

сатирик нашрлар, кундалик газеталар карикатура тараққиётига ва оммавийлашувига кенг имкониятлар яратди. Жаҳон карикатурачи рассомлари: даниялик Х. Бидstrup, болгариялик С. Венев, россиялик Кукриникслар тинчликни сақлаш ва уни ҳимоя қилиш мавзуида нодир карикатура намуналарини яратдилар.

Карикатура ҳақида гап кетганда, аввало, тарихимизга назар солиш лозим. Алишер Навоийнинг замондоши Зайниддин Восифийнинг “Бадойи-ул Воқеа” асарида келтирилишича, машҳур рассом Камолиддин Бехзод нафақат моҳир ранг-тасвирчи, манзарачи, жанг сахналари тасвирчиси, портретчи, балки карикатурачи рассом бўлган экан. Демак, ўзбек карикатураси ўзининг узоқ тарихига эга. Лекин у вақтлар бу каби расмлар “карикатура” деб эмас, арабча „мухталифа” деб номланган. Яъни “мухолиф”- “ўзига ўхшамаган” деган маънони англатган. Ўзбекистонда сатирик журналлар пайдо бўлиши карикатура жанри тараққиётига замин яратди. Бу борада айниқса, "Муштум" журнали пешқадамдир. нашри Ус т а Мўмин, Д. Синитский, А. Ошейко, Л. Абдуллаев, Т. Муҳамедов, Н. Иброҳимов ва бошқа рассомларнинг карикатуралари, "Ўзбекистон" нашриётининг "Жанговар қалам" плакатлар туркумлари ҳаётда учраб турадиган иллатлар (порахўрлик, ичкиликбозлик, хўжасизлик, юлғучлик ва бошқа иллатларга қарши курашда, уларни фош этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мустақиллик даврида карикатураларда боқимандачилик, гиёҳвандлик, қаллоблик, ақидапарастлик кабиларни фош этишда долзарб аҳамият касб этмокда. Карикатура қадимдан чизиб келинади. Сиёсий карикатуралар Қадимги Римда ҳам тарқалган эди. Ўзбекистонда карикатура мактаби “Муштум” журналива кейинчалик унга ҳамроҳ “Афанди”газетаси фаолияти билан боғланган. Ўзбек карикатурачилар сафига Телман Муҳамедов, Алижон Холиқов, Наримон Иброҳимов, Эмил Рўзибоев, Суръат Салоҳитдинов, Хусан Содиқов ва бошқалар киришади.

Мовлуд Таштанов – Ўзбекистон Бадий Академияси аъзоси. Маҳмуд Эшонқулов – Ўзбекистон Бадий Академияси аъзоси, 70дан ортиқ халқаро кўргазма ва танловлар совриндори. Хусанбўри Содиков – график ва карикатурачи рассом, 20дан ортиқ миллий ва халқаро миқёсдаги танловлар ва кўргазмалар иштирокчиси. Асимхон Васихонов – Ўзбекистон Бадий Академияси аъзоси, қатор миллий ва халқаро танловлар ва кўргазмалар иштирокчиси. Шавкат Музаффар – Ўзбекистон Бадий Академияси аъзоси, асарлари Европа ва Осиё мамлакатлари кўргазмалари каталогларидан жой олган ва чет эл матбуотида эълон қилинган. Вячеслав Муромсев – карикатура бўйича 10дан ортиқ халқаро танловлар гўлиби, 2006-йил Испанияда ўтказилган Интернет учун аниматсия фестивалида 2-ўринни қўлга киритган, қатор болалар китоби, плакат ва буклетларнинг безакчиси.

Деярли ҳар йили халқаро миқёсдаги карикатура кўргазмалари ташкил этилади. Масалан, Туркияда бўлиб ўтадиган “Хўжа Насриддин”, “Айдин Доган Вакфи”, Португалияда анъанавий тарзда ўтказиладиган “World Press cartoon”, яъни “Жаҳон Матбуот Карикатураси” кўргазмалари шулар жумласидандир. Бу каби нуфузли кўргазмаларда ўзбек карикатурачи рассомлари ҳам фаол қатнашиб, фахрли ўринларни, бош совринларни қўлга киритаётганлиги қувонарли ҳолдир. Шундай ижодкор рассомларимиздан бири Шавкат Музаффарнинг карикатура ҳақида шундай деган эди: “Карикатура жанри тезкорлигига кўра журналистикага жуда яқин, деб ҳисоблайман. Яъни, маълум бир воқеликка баҳо беришда карикатурачи рассомдан журналистларга хос тезкорлик талаб қилинади, бунда фақат айтилмоқчи бўлган фикр чизгилар орқали ифода этилади. Карикатуранинг рассомчиликнинг бошқа жанрларидан фарқи шундаки, унда кўтарилган мавзу ва фикрни очиб бера олиш жуда муҳим ҳисобланади, ранглар ёки тасвирлар иккинчи даражали бўлиб қолади.

Шунингдек, карикатура асосан матбуот орқали жамоатчиликка тақдим қилиниши билан ҳам журналистика билан чамбарчас боғлиқ, деб ўйлайман”¹. Тасвирий санъатда карикатура жумласи бор. Бу матбуот рассомчилиги дегани. Баъзиларида карикатуралар онда-сонда бериб турилади, лекин уларга шунақанги силлиқ расмлар керакки, озгина танқидийроқ бўлса чоп этишмайди. Чунки сенсацияга тоқатлари йўқ., дейди рассом. У карикатура соҳасидаги муаммолардан бири сифатида Журналистика факултетларида матбуот рассомчилиги ҳақида мутлақо ўргатишмаслигини, натижада, ўқув юртини тугатиб, муҳаррирлик даражасига етган журналистлар ўз-ўзидан карикатурага эътиборсиз бўлишини айтади. Бироқ ўқувчи биринчи навбатда газетадан карикатура қидиришини, агар мавжуд бўлса, уни таҳлил қилишини билмаймиз. Карикатура моҳиятини тўла англаб етмаган муҳаррирлар унга бефарқ бўлиб тураверади. Сабаби яна шунга бориб тақалади – ўқиш жараёнида ўргатилмаган.

Карикатурада танланган мавзу долзарб ва оригинал бўлиши, иккинчидан, расмда юмор кучли тасвирланиши керак. Шу қоидаларга амал қилган ҳар қандай рассом катта ютуқларга эришиши табиий. “Карикатураларда глобал мавзулар: экология, терроризм ҳамда сиёсий масалаларни акс этса, бошқаларни эътибори тез жалб бўлади. Чунки, инсонларни айни дамдаги ижтимоий ҳаёт муаммоларини очиб берилиши қизиқтиради.. Бу каби мавзуларни топиш учун замон билан ҳамнафас яшаш муҳим. Мавзу топилгач, уни қоғозда акс эттириш учун ғоя керак бўлади. Қандай услубда, қандай ҳолатда чизиш муаммоси тугғилади. Бунинг учун рассом китоб, журнал, газета ўқиши лозим”².

¹ Шавкат Музаффар “Карикатура – шунчаки кулги эмас //http. Goggle.com

² Eshonqulov M. Karikaturaga e'tibor zarur//http google.com

Португалияда дунё матбуот карикатураси (World Press артоон) маркази бор. Бу ташкилот ҳар йили дунё бо'йича фақат вақтли матбуотда нашр қилинган карикатуралар кўрғазмасини ва танловини ўтказди. Улар оригинал карикатураларни, газета ёки журнал билан бирга қабул қилади. 2005 йилги кўрғазмада Ўзбекистондан ҳам rassomлар қатнашди ва расмлари сараланган асарлар рўйхатига киритилиб «World Press артоон 2005» албомида нашр қилинди. Хусан Содиқов, Шавкат Музаффар «Муштум» журнали билан, Маҳмуд Эшонқулов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси билан қатнашдилар. Таҳририят ва rassomлар албом, сертификат билан тақдирландилар.

П.БОБ. “Муштум” журнали карикатураларида ижтимоий-маънавий муаммоларнинг акс этиши

2.1. “Муштум” журнали карикатураларида сурат ва матн уйғунлиги

“Муштум” журнали ўзбек матбуотида ўзига хос ўринга эга отахон нашрлардан. Ушбу журналда чоп этилувчи карикатуралар хусусида гапир ишдан олдин, журналнинг тарихига тўхталиб ўтишг лозим. XX аср 20-йилларидан матбуот тизимида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларда содир этилаётган камчиликларни танқидий руҳда халққа етказиш мақсадида ҳажвий-сатирик журналлар таъсис этила бошланди. Россияда “Крокодил”, Украинада “Перес”, Белорусияда “Вожик”, Ўзбекистонда эса “Муштум” каби сатирик журналлар ташкил этилиб, улар ўз атрофларига иқтидорли ҳажвчи-журналистлар ва карикатура усталарини бирлаштирган эди. 1923 йил феврал ойида ташкил этилган биринчи ўзбек сатирик журнали – “Муштум” нинг дунёга келиши ҳам тасодиқий бир воқеа бўлмасдан, балки, давр тақозоси, обектив тарихий эҳтиёж натижаси эди. Зеро ўша даврда, жамият учун содир бўлаётган ўзгаришлар ҳамда ютуқлар ҳақида ёзиб, фаолларни тақдирлаб бориш билан бир қаторда, ўзбек халқи орасида ўша давр сиёсати ва ижтимоий ҳаётига доир масалаларни кўтариб чиқувчи кўзгу сифатида ҳам лозим бўлган. “Муштум” журнали ҳажвий-сатирик нашр мақомига эга бўлганлиги учун ҳам ўз имкони даражасида нафақат ўша давр ижтимоий ҳаётида учраб турадиган камчилик ва иллатларни, шунингдек жамият ҳаётига хавф солувчи ҳолатларни ҳам қаттиқ танқид остига олган. Ушбу ҳажвий журнал ойда бир мартта Тошкент шаҳрида нашр этилади. “Муштум”нинг биринчи сони 1923 йил 18 февралда “Туркистон” газетасига илова (уч минг нусхада), 1924 йилдан эса “Қизил Ўзбекистон” нашри сифатида чоп этилган. Абдулла Қодирий томонидан ташкил этилган ҳажв ва кулги журналининг биринчи сонидан ёзувчининг “Муштум таърифида” деган бош мақоласи берилган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида айтилишича, мазкур мақолада журналнинг асосий йўналиши белгиланган: “Бу “Муштум” зўрлик муштуми эмас, ҳақлик муштумидир, Бу “Муштум” золимлар муштуми эмас, мазлумлар муштумидир. Шунинг учун бунинг маъноси ҳам бошқачадир...”¹Муштумга турли даврларда ижод қилган Ғози Юнус, Чўлпон, Ҳожи Муин, Рафиқ Мўмин, Ғафур Ғулом, Комил Алиев, Абдулла Қаҳҳор, Носир Сайид, Ғайратий, Собир Абдулла, Саид Аҳмад, Анвар Муқимов, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон ва бошқа ижодкорлар ўз асарлари билан иштирок этган. Муштумда чоп этилган кўпгина ҳажвий асарлар адабиётимизнинг бебаҳо дурдоналарига айланган. Масалан Ғ. Ғуломнинг "Шум бола"си, А.Қаҳҳор, С. Аҳмаднинг энг сара ҳажвиялари, Э.Воҳидовнинг "Донишқишлоқ хангомалари", А. Ориповнинг"Жаннатга йўл" драмаси. Юзлаб танқидий мақолалар, фелетонлар жамиятни турли иллатлардан тозалашда “Муштум”нинг асосий қуроли ҳисобланган. Ҳалол ва ошқора танқид жамият ва одамлар учун ҳақиқий малҳам бўлишига эришиш журналнинг бош меъзони ҳисобланади. Журнал ўз фаолиятида турли ижодий шакллардан, жумладан Насриддин Афанди, Алдар Кўса каби халқ оғзаки ижодидаги образлардан кенг фойдаланади. Унинг саҳифаларида муҳим воқеаларга бағишланган фелетон, памфлет, ҳажвия, ўртоқлик ҳазиллари ва бошқа қизиқарли танқидий материаллар ёритилади.

Муштум ўз карикатуралари билан ҳам машҳур. Унинг биринчи рассоми Иштван Тулля бўлган, кейинчалик журналда турли йилларда Т.Муҳамедов, Д. Синитский, М. Воробейников, Н.Иброҳимов, А.Холиқов, С. Субҳонов, А.Қамбаров, С.Салоҳиддинов, Ҳ.Содиқов ва бошқалар ишлади. Муштумга Ғози Юнус, Зиё Саид, Ғ.Ғафуров, Ҳусайн Шамс, Ж. Маҳмудов, М. Муҳамедов, Акмал Пўлат, З.Йўлдошев, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Н. Аминов, Мақсуд Қориев ва бошқалар муҳаррирлик

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-сон. – Т.: ЎМЭ нашриёти, 171-172-бетлар.

қилган. 1998-йил 28-августда журналнинг ҳафталик иловаси — "Афанди" газетаси ташкил этилган. Газетада даврнинг долзарб муаммолари, танқидий мақолалар ҳам кенг ёритилади. Ҳозир Муштумнинг бош муҳаррири — Носиржон Тошматов. Журнал ўзбек тилида чоп этилади. Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Ҳажми 2,8 босма табоқ Адади 22.000 нусха Веб-сайти: www.muштум.uz. "Муштум" ижодкорлари томонидан матн ва карикатура шаклида ўша давр ижтимоий ҳаётида учраб турадиган ҳолатлар қаторида ёшлар тарбиясида одоб-ахлоқ, яхши ҳулқ ва маданиятнинг ўрни масаласига ҳам катта аҳамият берилган. Атоқли ҳажвчи Ғафур Ғулом ўзининг "Ассалом" сарлавҳали ҳажвий-юмористик асарида ахлоқ-одобнинг муҳим шартларидан бири бўлган саломлашиш юзасидан баҳси юритган. "Бир-бирига салом бермак ер юзидаги ҳамма кишиларга хос одатдир, - деб ёзади адиб. – Биз Ўрта Осиё халқлари учун ўнг қўлни юрак устига қўйиб таъзим билан, табассум аралаш саломлашмак ота-бобо мероси, урф одатидир". Мақола охирида салом бериш одатини пала-партишлик билан бузадиган айрим шахслар танқид остига олинади. Таниқли рассом Л.Абдуллаев материалга мос карикатуралар чизиб, саломнинг "Қорин салом", "ўпка жигар салом", "Кўш елка салом" каби хилларини ҳажв остига олган. 60-йилларда нашр қилинган ҳажвий-сатирик "Муштум" журнали карикатураларининг асосий мавзуларидан бири таълим муаммоси ҳисобланган. Масалан, журналда "Муштум мактабларни кезганда" сарлавҳали мақолада совет мактабларининг ҳақиқий воқеликлари карикатура жанрида танқид қилиниб, мактаблардаги таълим, давомат масаласи ундаги камчиликлар ҳамда ўқитувчига дарс давомида қўйиладиган талаблар ҳақида фикр юритилади. Хусусан муаллиф ёзади: "...Ўқитувчиларнинг ишини, болаларнинг фанлардан ўзлаштириши, давоматини кузатиб туриш режадан ҳам, ҳаёлларидан ҳам тушиб қолганга ўхшайди..." Ўқитувчи ташқи

кўринишининг ўқувчи тарбиясига, унинг мавзуни ўзлаштиришига таъсири, ҳаддан ташқари ортиқча безакларга берилиб кетган ўқитувчилар мавзусига ҳам алоҳида танқидий урғу берилган бўлиб, журнал сонларининг бирида рассом Н.Леушин томонидан чизилган карикатура нашр қилинади Ушбу карикатурага изоҳ сифатида қуйидаги шеърини тўртлик келтирилган:

*“Тақасимон қулоқдаги исирға,
Беҳад ўстирилиб, бўялган тирноқ.
Омонат одамдай туради зўрға –
Ўқитувчи эмас, гўё қўғирчоқ”*

Шухрат Қосимовнинг “Билиб ол!” номли шеъри ўз касби бўйича фаолият олиб бормаётган ёшларга мурожаат сифатида нашр қилинади. Бунда шоир маълумотли кадрлар ривожланиш ва тараққиёт учун зарурлигини таъкидлаб ўтади. А.Муқимовнинг “Тарс ёрилиб кетай деймиз” мақоласида муаллиф ёшларга ўқиш, билим-олиш, маданий дам олишлари учун яратилган шароитларнинг яхши эмаслиги ҳамда бу ҳолатнинг ёшлар ҳаётига таъсири ҳақида тўхталиб ўтган. Шу билан бир қаторда Мумтоз Муҳамедовнинг “Хасан билан Хусан”, Исмоил Алиевнинг “Олижаноб ўғил” ҳикоялари, шоир В.Добриннинг Э.Воҳидов томонидан таржима қилинган “Эркатоё”, Акмал Пўлатнинг “Бебурд ўғил” шеърлари, Э.Шокировнинг “Бор отанга, бор онанга”, Мамарасул Бобоевнинг “Баланд дидли” йигит” мақолалари ҳам ёшлар муаммоларига бағишланган.

“Муштум” нинг мамлакатдаги бошқа журналларга нисбатан ўзига хослиги унинг саҳифаларида бериб борилаётган карикатураларнинг жонлилиги ҳамда ҳаётини воқеаларга яқин бўлганлигидадир. Бу ҳақида ўз ижодий фаолиятини “Муштум” журналида бошлаган, бугунги кунда эса Ўзбекистон бадиий-санъат академияси аъзоси В. Муромсев, “Муштум” карикатураларида инсонлар эмас, ҳаётимизда учраб турадиган аниқ

ҳолатлар ҳажв остига олинган”, деб ёзади¹. Журналнинг саҳифаларини кузатар эканмиз, карикатура воситасида “Муштум”нинг ҳар бир сонда ижтимоий муаммоларга алоҳида урғу берилиб ўтилганини кузатиш мумкин. 1962- йил 2 -сонидан бошлаб журнал саҳифаларида биринчи мартаба “Ёш карикатурачилар” тўғараги ташкил этилиб, унда ўз ишлари билан И.Новиков, Р.Назарова, А.Отакулов, Д.Сирин, И.Купярников каби ёш карикатурачилар ҳам қатнашганлар.



Журналнинг 2018- йил 3-сонида бугунги болалар тарбиясида ота-оналар йўл қўяётган камчиликка урғу берилиб, “телефонмания” изоҳи остида карикатура берилган. Унда техника даврида фарзанд ларимизнинг туғилибоқ, теле фон, гажетларга асир бўла ётгани кўрсатиб берилган. Маълумки, бугун нафақат болалар, катталарнинг ўзи ҳам телефон асирга айланган. Болалар эса, шубҳасиз, катталардан кўриб ўрганадилар. Инглизлар бекорга “Болагизни тарбия қилишдан олдин, ўзингизни тарбия қилинг. Чунки фарзандингиз барибир, ўзингизга ўхшаган бўлади”, деб айтмаганлар. Бугунги болакайлар ҳам ўзимиздан намуна олиб, телефонларга ёпишиб қолган.

¹ Муромцев В. “Муштум”да карикатура санъати//[http/ coogle.com](http://coogle.com)

Албатта, фарзанда тарбияси ҳамма замонда ҳам муҳим бўлиб келган. Лекин баъзан эркатой фарзанд катта қилаётган айрим “меҳрибон” оталар



туфайли жамиятимизда муаммолар урчийди. Қуйдаги карикатурада йўл қоидасини бузган “эркатой”га нисбатан чора кўрмоқчи бўлган милиция ходимига телефон орқали дўк уриляпти. Бу ҳолат бизнинг иллатларимиздан биридир. Аслида, қонун ҳаммага баробар. Унга барчариоя этиши шарт. Лекин айрим тўрачилик кайфиятидаги шахслар шу тариқа қонунни четлаб ўтишга уринадилар. Рассом Ҳ.Содиқов бу


камчиликни карикатурада акс эттирган. “Муштум” журнали саҳифаларида ёшлар муаммоси жамиятнинг муҳим масаласи сифатида олиб чиқилди. Ёшлар ҳаёти ва унга таъсир кўрсатган омиллар журнал ижодкорларининг доимий диққат эътиборида бўлади. Кундалик турмуш-тарзидаги ўзгаришлар, инноватсион жараёнларнинг кириб келиши ёшларнинг тарбия, оила ва жамиятдаги ўрни масалаларида кескин мунозараларга сабаб бўлган. Муаллифлар ёшлар тарбиясида миллий анъаналарни сақлаб қолиш, ўзгача маданиятларга кўр-кўрона тақлид қилмаслик ҳақида у даражада очик айтилмасаларда, уларнинг мақолалари замирида мазкур фикрни илғаб олиш қийин эмас. Ушбу карикатурада эса, бугуннинг анча оғриқли муаммоси кулгига олинган. Айрим ота-оналарнинг тарбия борасидаги беътиборлиги, фарзандларнинг назоратсиз қолдирилиши, уларга оила, никоҳ каби муқаддас анъаналарни сингдирилмаслиги туфайли ёш коллеж ўқувчиларининг юқоридаги каби ҳолатга тушиши кўп



учраяпти. Бу каби салбий ҳолатлар журнал рассомлари нигоҳидан четда қолмайди. Бугун айрим мактаб ўқувчилари кийиниш нормаларига риоя қилмаган ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу нарса айниқса, эски даврнинг нигоҳи билан қараган инсонлар—

кексаларга қаттиқ сезилади. Мана шу ҳолатини кулги остига олиш орқали муаллиф Х.Содиқов ҳозирги ҳолатни жуда маҳорат билан ҳажв қилган.

Унда ёши ўтиб қолган онахоннинг ажабтовур либослардаги қизларни кўриб, бу ер модалар уйи экан деган хулосага келгани кулги орқали кўрсатиб берилган. Аслида бу ер мактаб эканини эшитиб, онахон таажуб ланади. Бу ҳолат бугуннинг каттаси-ю кичиги бирдек истеъмолчига айланиб бора ётган мураккаб бир даврда одамларимизнинг баъзан



кийиниш меъзонларини ҳам ёриб ўтиб кетаётганлигига ишора қилади. Албатта, ёшлар тарбияси нозик масала. Уларни бугун назорат қилиш учун




аввало, ота-оналарнинг ўзи ҳам сал пишиқроқ бўлиши, соддалик қилмаслиги керак. Уларга нисбатан ҳар доим кучли эътибор ва назорат лозим.

Қуйидаги карикатурада “игнага ўтириб қолган” ёшларнинг ўз ота-онасига нисбатан муносабати акс этган: Албатта, ушбу ҳолат жуда аянчли. Бунда ҳажв воситасида оғриқли нуқталарга эътибор қаратилмоқда. Рассомнинг аччиқ

кулгуси остида жиддий огоҳлантириш ётибди. Болалар-ку ўз йўлига. Лекин баъзан жамиятимизда, ижтимоий ҳаётимизда катталар ўртасидаги жиддий хатоликлар, камчиликлар ҳам учраб турадики, уларни қандай таҳлил этишни билмайсан киши. Мана шу пайтда “Муштум” рассомларининг карикатуралари бизнинг “тилимиз учида турган” муаммони кўрсатиб қўя қолади. Масалан, рассом Хусан Содиқовнинг қуйидаги карикатураси бизга ҳозир актуал бўлган муммодан сўзлайди. Кўп совчилар борадиган жойини суриштирганда қизнинг контрактда ўқишини эшитиб, чиқимдан қочиб айниб қоладилар. Ёки бўлмасам, айрим пулдор



бева аёлларнинг ёшгина йигитларни пул, уй-жой, машина каби нарсалар орқали тузоқ қўйиб, ёшгина йигитларни айлангириб олиши қуйдаги





карикатурада акс этган.

“Муштум”да Ҳусан Содиков, Шавкат Музаффар, Маҳмуд Эшонкулов, Муроджон Унгаров, Ҳасанбой Султонов, Иброҳим Қосимов, Сайфулло Субҳонов каби машҳур карикатурачи рассомлар фаолият юритади. Улар чизган карикатуралар журнал саҳифаларини безабгина қолмасдан, халқаро миқёсдаги кўрик –танловларда ҳам муносиб ўринларни қўлган киритмоқда, халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Чунки, уларнинг карикатураларида кўтарилаётган муаммолар ўткирлиги, жамиятдаги маълу бир иллатнинг ўзига хос тарзда кўрсатиб берилиши билан ажралиб туради. Масалан, рассом М.Ғозиевнинг қуйдаги жанг тасвири иифодаланган карикатурасида баъзан спорт ўйинларида учраб турувчи қаллобликлар кўрсатилади:



Албатта, бу каби муаммолар ҳам ҳаётимизда учраб туради. “Муштум”чилар доим ҳаёт билан ҳамнафас юoadилар. Юртиимзда бўладиган бирор ўзгариш улар нигоҳидан четда қолмайди. Масалан, 2 йил олдин ўз қаллобликлари билан номи чиққан Аҳмадбойни “Муштум” чилар қуйдагича тасвирладилар. Маълумки, жуда кўп кишилар Аҳмадбойга чув тушди. Улар орасида ҳатто машҳур санъаткорларнинг ҳам борлиги қулоққа чалинди. Ушбу карикатурада шунга нозик ишора бор. Суратга ишланган матн бизга шундай хулоса беради ва тасвирга қўшимча равишда матн ҳам қулни қўзғашга хизмат қилади.







Карикатурачи рассом Х. Султонов чизган ушбу суратларда ҳам муаммолар яширинган. Бирида доимо таъмир ишлари олиб борилса-да, сира тўғриланмайдиган йўллар кўрсатилса, иккинчисида амалдорнинг ишдан кетаётиб, ҳамма нарсани ўзи билан шип-шийдон қилиб кетиши кўрсатилган. Баъзан “Муштум” саҳифаларида арбоблар, депутатлар ҳам ўз тегишини олиши мумкин. Қуйидаги Аловиддиннинг кўза ишқалаб ўтиргани тасвирланган карикатурада у жиннинг чиқишини эмас, айрим сайланиб олгунча, қоп-қоп ваъдалар бериб, сайловдан сўнг умуман кўриниш бермайдиган депутатларга ишора бор. Ўз вазифасини суиистеъмол қилувчилар ҳамма соҳада учраб туради. Ана






шундай докторларни тасвирлаган қуйдаги карикатурада “Шифохонада бача дорилар бепул” деган эслатма осиб қўйилганига қарамасдан, беморнинг яқинларига узундан узок рўйхатни тақдим этадиган шифокор танқид қилинган.



Юқоридаги Ҳ.Содиқов ва С. Салоҳиддиновлар қаламига мансуб икки карикатурада шоу-бизнес оламидаги разилликлар очиб берилган. Айрим нафс бандаларининг санъат майдонини ўз манфаатлари ва тубан истаклари амалга ошадиган жойга айлантиргани шубҳасиз разилликдир. Ҳасан Султонов қаламига мансуб куйдаги карикатурада эса, пул




бўлса, ҳатто эшакни ҳам машҳур кўшиқчига айлантириш мумкин эканига ишора бор. Чунки, замонавий технологиялар шарофати билан истеъдодсизлар ҳам пулнинг кучи билан бир думалаб, юлдузга айланмоқдалар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Муштум” ўз даври ижтимоий жараёнларини, муаммоларини ёритишда муҳим манбалардан бири сифатида хизмат қилади. Унинг саҳифаларида ижтимоий-маънавий муаммолар ўз аксини топади.

2.2. Карикатураларда муаллиф маҳорати: мавзу танлаш, муаммо

кўйиш, факт ва даллилалрдан фойдаланиш ва ечим топиш


Бошқа газета ва журналлардан фарқли ўлароқ, “Муштум” саҳифаларида умумбашарий муаммолар – терроризм, гиёҳвандлик, ирқчилик, оммавий маданият, экология каби жиддий мавзулар қаламга олинади. Журналдаги карикатуралар шунчаки кулги кўзғамасдан, сатира ёки юмор орқали ижтимоий муаммоларни кўрсатиб, ҳажв қилади. Шунинг учун ҳам “Муштум” чилар кўплаб нуфузли танловларнинг мутлоқ ғолиби, махсус мукофотлару гран-приларнинг соҳиби бўлганлар. Бу карикатуралар мавзуси долзарблиги, кутилмаганлиги билан ўқувчини ҳайратга солади. Журнал рассомлари турли йўналишларда чизадилар ва турли деталлардан фойдаланиш улар учун хос. Ижтимоий ҳаётимизда содир бўлган ҳеч бир воқеа улар эътиборидан четда қолмайди. Ҳар бир ҳодисага муносабат билдирилади. Карикатурачиликда муҳим бир нарса бор. Фақат кулги уйғотиб ёки мазах қилиб обрў оламан дейиш хунук иш рассом учун. Ёки катта танловларда ғолиб бўламан деб, манфаат ортидан ижод қилиш ҳам ярамайди. Яна бир гап: карикатуралар ҳеч қачон адоват кўзғаш, фитна яратиш учун дастак бўлмаслиги керак. Инсон шаъни ҳар доим ҳурмат қилиниши лозим. “Муштум” ўз карикатураларида шу жиҳатларга эътибор беради. Кўпчиликни қийнаётган муаммоларни тасвир орқали баралла айтишга уринади. Унинг саҳифаларидаги расмларда кулги билан баробар, муаммони очиб бериш биринчи ўринда туради. Лекин танқид ҳам, юмор ҳам омухта. Журналда ҳозирда чоп этилаётган карикатурларда замонавий руҳ бор. Унда бугунги кун муаммоси акс этади. Лекин юқорида айтиб ўтганимиздек, бу журнал ўзбек матбуотида тўнғич нашрлардан. У узок йиллар давомида мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ва долзарб муаммоларни акс эттириб келган. Журналнинг илгарги рассомлари ижодига бир-икки мисол орқали назар ташласак, фикримизга далил бўлади.



Масалан, машҳур
 рассом Николай
 Леушиннинг “2x2=6”
 карикатураси нафақат,
 ўз даврининг балки
 бугунги даврнинг ҳам
 иллатларидан бирини
 акс эттирган. Унда
 ўқиш ўрнига отасининг
 давлатига ишонган
 ўғилнинг маънавий
 қиёфаси акс этган.

Рассом бу йигитчага номни ҳам жуда топиб қўйган. Тўра Тўраевичнинг ўғли. Бу ном орқали рассом тўрачилик фожеасига ишора қилган.

Яна бир машҳур рассом Алихон Ҳолиқовнинг “Она ўғил” номли карикатурасида ҳам боқиманда, ўз кучи ва билими билан эмас, онасининг папалашлари остида улғайган она ўғилнинг қиёфаси кўрсатилган. Онанинг ўз ўғлини оқлаш учун айтаётган “Синфдан синфга ўтолмаганида турткилардингиз, энди ишдан-ишга ўтаверганига шунчами” деган гапининг ўзиёқ кулги кўзғатади. Сурат ва матн уйғун ҳолатда рассомнинг



ғоясини амалга оширишга
хизмат қилади. Яна бир
машҳур “Муштум”чи
рассом Наримон
Ибороҳимовнинг иш
билмайдиган қишлоқ
хўжалиги ҳодимлари
устидан кулиб чизилган
карикатураси жуда
таъсирли. Демак, ўткан
йилги экилган кўчатлар
бепарволик ёки




қаровсизлик оқибатида нобуд бўлган. Бу йилгисини ҳам ким билсин нима қисмат кутмоқда?

“Муштум”да энгил юмор ҳам учрайди. Унда кўпроқ кишиларнинг маънавий муаммолари устидан ҳажв қилинади. Карикатурачи рассом

Ҳабибулла
Раҳматуллаевнинг
қуйидаги
карикатураси биз
айтаётган фикримиз
исботидир.
Унда кўп ичганида
йўлини тополмай
қолган маст киши
тасвирланган. Унинг
фожеаси энгил юмор
асосида очиб




берилган. Ернинг чуқурини метро деб ўйлаши бунга мисолдир. Баъзан ҳаётимизда шундай ҳолатлар учрайдики, биз ёки яқинларимиздан бирининг тоби қочиб, шифокор чақирсак, улар асосий мақсад бемор қолиб бошқа нарсалар билан андармон бўладилар. Ҳудди ушбу карикатурадаги ҳолатга ўхшаб. Унда тасвирланишича, доктор қон босими ортган бемор у ёғда



қолиб, уйга махлиё бўлиб турибди. бу каби ҳолатлар ҳам учраб туради.

Бугун биз глобаллашув даврида яшаймиз. Ўз-ўзидан бугунги дунёда миграция жараёни ҳам олдингидан кучайган. Бошқа давлатларга пул топиш ниятида бориш ҳолати кўп учрайди. Лекин орамизда ўз хотинини чет элга ишлашга юборувчи эркеклар ҳам учраб туради. Картинадан кўришиб турибдики, эркекнинг маишати тўкин. Буларнинг бари унинг эмас, чет элга ишлашга кетган хотиннинг шарофати. Рассом суратда лайлак келтирган чақалоқ воситасида киноя



қилмоқда. “Муштум” ҳар доим ўзининг ўткир ҳазиллари, киноялари, ҳажвлари билан тилга тушган. Рассом Ҳаманбой Султоновнинг “Муштум концерти” карикатурасида айрим ўз ҳаддини билмайдиган санъаткор номига нолайиқ санъаткор аёллар ҳажв тифига олинган. Бу муаммо яна бир



машҳур рассом Шавкат Музаффарнинг карикатурасида ҳам кўтарилган.

Рассом ўзи миллийликдан йироқ кўшиқчи аёлнинг оғиз кўпиртириб миллийлик ҳақида лоф уриши устидан ҳажв қилган. Аслида маданиятда барчага ўрناк бўлиши керак бўлган аёлнинг очик-сочик кўриниши бизга муммо ни англатади.



Куйдаги кари катурада эса, баъзи докторларнинг даво чораси сифатида фақат дориларни кўриб, беморга кўплаб дориларни ёзиб ташлаганини кўриш мумкин. Оқибатда, касалнинг



ошқозони дорихонага айланади. Ёки “Муштум”нинг ҳар доимги ўткир нигоҳидан қочиб қутилмаган экология муаммоси куйдаги карикатурада ўзгача тасвирланган: маълумки, баъзи броканерлар ва дам олувчилар балиқ тутишга эриниб, ток воситасида балиқ овлайдилар ва оқибатда кўплаб турларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Муаммо шундаки, баъзан бу ишнинг тепасида масъул шахсларнинг ҳам борлиги фожеадир. Аслида, инсоннинг ўзи ҳам табиатнинг бир бўлаги. Унга вахшийларча муомала қилиш оқибати албатта аянчли бўлади.






“Муштум” журнали карикатураларида бирор муаммо шунчаки ёритилмайди. Улар албатта, ижтимоий ҳаётимизда долзарб аҳамиятга эга бўлади. Масалан, машҳур рассом Шавкат Музаффар қаламига мансуб ушбу

карикатурада кичкинагина қизнинг “10 та тўплам чоп этдим, энди мухаббат ҳақида достон ёзаяпман” дейиши беихтиёр кулги кўзғайди. Бугун жамиятимизда ёш истеъдодларга катта эътибор қаратилаётгани, уларга шароитлар яратилаётгани ҳақиқат. Лекин ҳали ҳаёт нелигини тузукрок англаб етмаган қахрамонимиз каби қизчаларнинг пайдар-пай китоб чиқариб ташлашидан бирор маъно йўқ. Тўғри, бугун ноширлик бизнесга айланган. Лекин ижод аталмиш тушунчани бу қадар майдалаштириш адабиёт учун хавф туғдиради. Рассом мана шу ҳолатга киноя қилмоқда. Рассомнинг ўткир кинояси А.Маматовнинг қуйидаги “Хайр қилинг”



номли карикатурасида ҳам кўриниб турибди. унда қимматбаҳо машина устида, башанг кийиниб олган жаноб шляпасини ечиб хайр қилишларини сўрамоқда. Баъзан, инсонлар ўртасида ўз нафсини ҳар нарсадан устун кўювчи, суллоҳ кимсалар учраб туради. Улар ўзини худди ушбу карикатурада тасвирлангани каби тутадилар. Агар қаердандир текин унадиган жойи чиқиб қолса, сира ўтказиб юбормайдилар.


Баъзан журнал саҳифаларида экологик муаммолар ҳажв қилинган карикатуралар ҳам учраб қолади. Шулардан бири рассом Мирсаид



Ғозиевнинг экологик муаммо акс этган карикатурасидир. Унда балиқ овлашга келган эркакка дарёда яшайдиган тимсоҳ “Раҳмат, ака, тоза сув учун” дея миннатдорчилик

билдирмоқда. Демак, дарё суви шу қадар ифлосланиб кетганки, унда яшаётган турлар учун етарли шароит мавжуд эмас. Бунга сабаб эса инсон омилидир. Инсонларнинг экологик саводсизлиги, атроф-муҳитга бефарқ муносабати натижасида табиат озор чекмоқда. Картинада кўриб турганимиздек, уюлиб кетган аҳлатлар экологияни бузмоқда. Буни рассом тимсоҳ тили билан киноя қилиш орқали етказиб берган.

Халқимиз ҳар гапни топиб айтади. Унда “Қозининг ўзи номаъқул бўлса, дардингни кимга айтасан” деган нақл бор. “Муштум” рассоми Ҳасанбой Султоновнинг “Тафтиш” номли карикатураси шу ҳолатга ишора бор. Унда тасвирланишича, “Олма” фирмасига текшириш ва тафтиш ўтказиш учун курт(!) келади ва фирма ишларини текшириш



учун уни илма-тешигини чиқаради. Оқибатда, бус-бутун олма ярқсизга айланади. Баъзан фирма ва ташкилотларга шу каби тафтишчи ва комиссияларнинг келиши ташкилот ишини орқага суриши бор гап. Бу ерда ишнинг ривожига эмас, ҳато ва камчилик ахтариш муҳим бўлиб қолади. Бу эса, ташкилотнинг тинқасини қуритади. Ҳудди карикатурада тасвирланган ҳолатдагидек.

Хуллас, айтиш мумкинки, “Муштум” саҳифаларида акс этадиган карикатуралар ўз услуби, мавзуси, ёндашувнинг турфалиги, ўзида жамиятнинг ва кишиларнинг долзарб муаммоларини акс эттириши билан қимматлидир.

Хулоса

ОАВ жамиятнинг кўзгуси ҳисобланади. Бугунги ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур қилиш қийин. ХХІ асрнинг “ахборот асри” деб номланаётгани ҳам буни исботлаб турибди. Матбуотда ҳажвий публицистика алоҳида ўрин тутади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳажвий ва тасвирий матн уйғунлиги, даврий нашрларда карикатураларнинг ифодаланиши мумаммоси жуда муҳим ҳисобланади.

Матбуот материалларининг ўзагини ташкил этувчи ва ижтимоий ҳаётни акс эттиришнинг ўзига хос услуби бўлган публицистикада ҳажвий публицистика алоҳида ўрин тутади. Ҳажвий публицистика воқеликни акс эттириш ва таъсир кўрсатишда сатира ва юмор қонуниятларига амкал қилиши, ижтимоий кулгига асосланиши билан публицистиканинг бошқа хилларидан ажралиб туради. Ҳажвий публицистиканинг кўринишлари ҳали вақти матбуот вужудга келмаган пайтларда ўзбек адабиётига ҳажв ва кулги асарларида намоён бўлган эди. Ўзбек ҳажвий адабиёти ва сермазмун тарихга эгадир. Ҳажв, сатира-воқеликни акс эттиришнинг алоҳида ғоявий-бадий принципи сифатида барча цивилизациялашган халқлар адабиёти, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам оғзаки ва ёзма адабиётида қадимдан катта ўрин олиб келган. Ижтимоий иллатларнинг кулгили танқиди бўлган сатира ўзбек халқ ижодида ҳам кенг тарқалган эди. Меҳнаткаш халқ ижтимоий ҳаётдаги адолатсизлик, зулмга қарши норозиликни алоҳида бир шакли сифатида латифалар, ҳажвий эртаклар ва кўшиқлар яратган. Халқ, ҳажвий, сатираси ва кулгиси жуда қадимий ва шу билан бирликда давомийликка эга, бўлиб, ёзма ҳажвий адабиёт ҳамда публицистика учун битмас-туганмас ижодий озиқ бериб келди. “Муштум” журналидаги ҳажвий материаллар бошқа публицистик жанр материалларидан фарқли жиҳатларга эга. Жумладан, “Муштум” журналидаги ҳажвий карикатуралар

жанр имкониятларини юзага чиқариш, жанр талабига жавоб бериш, муаммони ифодалаш йўсини каби кўплаб жиҳатлари билан публицистиканинг бошқа жанрларидан ажралиб туради.

Битирув малакавий ишига материал йиғиш жараёнида амин бўлдики, карикатура бизда тарихан чуқур илдиз отган жанр. Унинг элементлари Алишер Навоийнинг замонасига бориб тақалади. Зайниддин Восифийнинг “Бадойи-ул Воқеа” асарида келтирилишича, машҳур рассом Камолиддин Беҳзод нафақат моҳир ранг-тасвирчи, манзарачи, жанг сахналари тасвирчиси, портретчи, балки карикатурачи рассом бўлган экан. Демак, ўзбек карикатураси ўзининг узоқ тарихига эга. Лекин у вақтлар бу каби расмлар “карикатура” деб эмас, арабча „мухталифа” деб номланганини аниқладик. Яъни “мухолиф”- “ўзига ўхшамаган” деган маънони англатган. Ўзбекистонда сатирик журналлар пайдо бўлиши карикатура жанри тараққиётига замин яратди. Бу борада айниқса, “Муштум” журнали пешқадамдир. Унинг саҳифаларида ҳаётда учраб турадиган иллатлар (порахўрлик, ичкиликбозлик, хўжасизлик, юлғучлик ва бошқа иллатларга қарши курашда, уларни фош этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган карикатуралар акс этади. Ўзбекистонда карикатура мактаби “Муштум” журнали ва кейинчалик унга ҳамроҳ “Афанди”газетаси фаолияти билан боғланган. Ўзбек карикатурачилар сафига Телман Муҳамедов, Алижон Холиқов, Наримон Иброҳимов, Эмил Рўзибоев, Суръат Салоҳитдинов, Ҳусан Содиқов ва бошқалар киришади. Деярли ҳар йили халқаро миқёсдаги карикатура кўргазмалари ташкил этилади. Масалан, Туркияда бўлиб ўтадиган “Хўжа Насриддин”, “Айдин Доган Вакфи”, Португалияда анъанавий тарзда ўтказиладиган “World Press артоон”, яъни “Жаҳон Матбуот Карикатураси” кўргазмалари шулар жумласидандир. Бу каби нуфузли кўргазмаларда ўзбек карикатурачи

рассомлари ҳам фаол қатнашиб, фахрли ўринларни, бош совринларни қўлга киритаётганлиги қувонарли ҳолдир.

“Муштум” саҳифаларида берилган карикатураларда танланган мавзу долзарб ва оригинал экани, расмда юмор кучли тасвирланганлигини эътироф этиш лозим. Карикатураларда глобал мавзулар: экология, терроризм ҳамда сиёсий масалаларни акс этади. Журнал бу каби мавзуларни топиш учун замон билан ҳамнафас яшайди. Мавзу, гоё, услуб жиҳатдан унда акс этган карикатуралар беқиёсдир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, “Муштум” журналидаги тасвирий ва ҳажвий матнлар уйғунлигида қуйидаги хусусиятлар кўзга ташланади:

1. Жамиятнинг ривожига ҳажвий публицистиканинг роли ва аҳамияти катта экани;
2. Ҳажвий публицистиканинг давр ва ижтимоий ҳаёт муаммоларини кўтариб чиқишда пешқадам экани;
3. “Муштум” журнали ўз олдига белгилаб қўйилган позициясидан сира ҳам оғишмай, жамият ҳаётидаги ва кишилардаги муаммоларни кўтариб чиқиши;
4. Журнал саҳифасида акс этган карикатураларда ижтимоий – маънавий иллатларнинг бўй кўрсатиши;
5. “Муштум” карикаутрачиларининг ўзига хос дастхати, услуби, йўналиши мавжуд экани;
6. Журнал рассомларининг кўплаб халқаро мусобақаларида эътирофли ўринларни қўлга киритганлиги;
7. Муаммони ҳажв ва юмор воситасида самарали тақдим қила олиши;
8. Журналда акс этган карикатураларда сурат ва матннинг ўзаро уйғун экани;

Хулосаларимизнинг барчаси “Муштум” журнали ўз йўналишига мос равишда жамият ҳаётидаги муҳим муаммоларни карикатуралар воситасида акс эттиради. Журнал саҳифаларидаги карикатуралар бизша иллатлар, жамият оғриқлари, ижтимоий-маънавий муаммолар хусусида сўзлайди.

Ушбу хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни билдирамиз:

1. “Муштум” журнали карикатура билан ишлаш жараёнини журналистика йўналиши талабалари учун дарс соатлари ажратилган ҳолда таништириш.
2. Бўлажак ёш журналистлар учун “маҳорат мактаби” ташкил қилиш, журнал ходимлари, карикатурачи рассомлари билан суҳбатлар, мастер класслар ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. ЎзР қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўқитувчи, 2018.
- 1.2. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Ишонч Марказ Сервис, 2009.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. – Т.: Ўзбекистон, 2007.

II. ЎзР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари

- 2.1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этиш.– Т.: Ўзбекистон, 2016.
- 2.2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак.- Т.:Ўзбекистон, 2017.
- 2.3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиётини ва халқ фаровонлиги гарови. – Т.:Ўзбекистон, 2017.
- 2.4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.:Ўзбекистон, 2017.
- 2.5. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.-Т.:Адолат, 2017.

III. МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР

- 3.1. Нестеренко Ф. ва бошқалар. Луғат-маълумотнома: Журналистика, Реклама, Паблик Рилейшинз: 1700 та атама. –Т., Зарқалам, 2003 й .
- 3.2. Худойқулов М. Журналистика ва публицистика, -Т., Университет, 2008 й.
- 3.3. Худойқулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикасининг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари. Док. Диссертацияси автореферати.
- 3.4. Популярный энциклопедический словарь. –Москва, Большая Российская энциклопедия, 2002 йил.
- 3.5. Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энциклопедический словарь. – Москва, Эскимос, 2004 йил, 287-бет
- 3.6. Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат\\ -Т., Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 й.
- 3.7. Каримова В. Очиқ оммавий ахборот тизими шароитида шахсининг психологик ўзини-ўзи ҳимоялаши. //Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006 й.
- 3.8. Криско В. Секреты психологической войны. Цели, задачи, формы, опыт. – Минск. Харвест, 1999 й.
- 3.9. Комилов Н. ва бошқ. Маърифатли жамият муҳолифлари. –Т.: Академия, 2005 й.
- 3.10. Лопатин В.Н. Информационная безопасность России: человек, общество, государство. – Санкт-Петербург. Фонд «Университет». 2000 й.
- 3.11. Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. 2-нашр. –М.: Горячая линия. Телеком. 2006 й.
- 3.12. Меликулова Б. Маданиятлар тўқнашуви. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009 й.
- 3.13. Миллий истиқлол ғояси. Т., “Ўзбекистон”, 2005 й.

- 3.14. Миралимов Ш., Эшбеков Т. Журналистика, маънавият, жамият. –Т.: Ўзбекистон, 2010 й.
- 3.15. Мўминов Ф.А. Ахборот хавфсизлиги ва ижтимоий тараққиёт. Ўзбекистон матбуоти, 2007 йил 6-7-сонлар.
- 3.16. Султон И. Адабиёт назарияси. Т., Оқитувчи, 1986.
- 3.17. Худойқулов М. Ўзбек хажвий публицистикаси. Т., 2001.
- 3.18. Дусмухдммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (Мустакиллик даври узбек матбуоти фаолияти мисолида. 1991-2008 йиллар): Филол. фан. докт.... дис. автореф. - Тошкент: УзМУ. 2008.
- 3.19. ОММАВИЙ ахборот воситалари типологияси. - Тошкент: УзМУ, 2000.
- 3.20. ОММАВИЙ ахборот воситалари назарияси. - Тошкент: Университет, 1999.
- 3.21. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-сон. – Т.: ЎМЭ нашриёти.

IV. МАТБУОТ НАШРЛАРИ

- 4.1. “Муштум” журналининг 2000-2009 йилги сонлари
- 4.2. Норматов И. Журналистикада маҳорат керакми ёхуд унутилаётган жанрлар хусусида // Хуррият газетасининг 2007 йил 21 -март сони
- 4.3. Шавкат Музаффар “Карикатура – шунчаки кулги эмас //http. Goggle.com
- 4.4. Eshonqulov M. Karikaturaga e'tibor zarur//http google.com
4. 5. Муромсев В. “Муштум”да карикатура санъати//http/ coogle.com

V. ИНТЕРНЕТ-МАНБАЛАР

- 4.5. www.ca-news.org

- 4.6. www.od-press.uz
- 4.7. Telegram
- 4.8. Facebook.com. Муштум.
- 4.9. www.ziyonet.uz.
- 4.10. www.journalistika.ru.